

# Oila va jamiyat

201 A Alisher Navoiy  
№ 43 (1444)  
30-OKTABR  
2019-yil


Gazeta 1991-yil 1-sentabrdan chiqqa boshlagan

E-mail: oilavajamiyat@mail.ru

@oilavajamiyatgazetasi\_bot

## KITOV JAVONNI BEZASH UCHUN EMAS,

o'qish uchun xizmat qilsin



Александр Дюманинг "Граф Монте Кристо" романини ўқиш учун ёнингизда қайчи олиб юришингизга тўғри келади. Ахир биринчи варақдан сўнг иккинчи варақни ўқиш учун бетларни ким сиз учун қирқиб беради? Фақат шошилинг, чунки варақларни қирқиб олгунингизча нимани ўқиганингиз ёдингиздан чиқиб қолиши мумкин.

6

## FARROSHLIKDAN OR QILAMIZMI?



Яқинда бир воқеага гувоҳ бўлдим. 2-синфлар чамаси қизалоғини мактабга олиб кетаётган она, фарзандига кўча супураётган аёлни кўрсатиб: "Сен ҳам яхши ўқимасанг, анавиларга ўхшаб кўча супуриб юрасан..." дерди. Ахир, бу каби доно "маслаҳат"ни эшитган фарзандда куни келиб манманлик, кибр, фаррошлик касбидаги инсонларни менсимаслик каби ёмон иллатлар пайдо бўлмаслигига ким кафил бўла олади?

»7

Tarbiya 5

## Jismoniy tarbiya darsi

faqat to'p tepish deganimi?



Mehr 8

## Menga OTA kerak!



Turmush 4

## «To'yimda ijaraga kuyov keldi...»

**Н**аргиз Арслонова болалигидан интилувчан, ташаббускор ва меҳнаткаш қиз эди. Дугоналари кўғирчоқ ўйнаса, у машина ўйнаб, шох-шабба, ёғоч ва тупроқдан "ажойиб уйлар" қураар эди. ●3

## ONASIGA "SHAHAR OLIB BERGAN" QIZ



## BOYSUNDA 150 NAFAR XOTIN-QIZ ISHLI BO'LDI



**Б**ойсун туманида тикув-трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган "Бойсун барака чеварлари" корхонаси иш бошлади. Бойсун туманида яшовчи хотин-қизлар бандлигини таъминлаш мақсадида ташкил этилган мажмуада 150 та янги иш ўрни яратилди.

Корхонанинг тақдирот маросими қишлоқ одамлари учун чинакам байрам тусини олди. Унда Сурхондарё вилояти ҳокими Тўра Боболов, вилоят ва туман ҳокимликлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, нурунийлар, хотин-қизлар ҳамда ёшлар қатнашди.

Енгил конструкцияли қурилиш ма-

териалларидан фойдаланилган ҳолда бир ой муддатда қуриб битказилган мазкур мажмуада кийиниш, ювиниш, ошхона, дам олиш ва тиббиёт хоналари, ошхона жиҳозлари каби зарур шароитлар муҳайё этилган. Энг муҳими, корхона Хитой, Туркия ва Японияда ишлаб чиқарилган энг замонавий тикув дастгоҳлари билан жиҳозланган. Мажмуани қуриш ва жиҳозлаш ишларига 1,7 миллиард сўмга яқин маблағ йўналтирилди.

Давлатимиз раҳбарининг 5 та муҳим ташаббуси ижроси, хусусан, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш мақсадида ташкил этилган ушбу кор-

хонада келгусида ишчилар сонини 300 нафарга етказиш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон ҳудудларида тикув-трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида, аввало, аҳоли зич яшайдиган, меҳнат ресурслари кўп ҳудудлар танлаб олинди, узоқ қишлоқ аёлларининг бандлигини таъминлашга эришилмоқда. Мазкур мажмуаларда асосан трикотаж маҳсулотлари тайёрланиб, хорижга экспорт қилиш назарда тутилган.

## MUVAFFAQIYAT SIRI NIMADA?

**Б**угун мамлакатимизда аёллар борасида олиб борилаётган давлат сиёсати хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш ҳамда гендер тенгликни тўлақонли таъминлашдек одилонга ёндашув асосига қурилган.

Шу маънода, ёшларни сиёсат, бизнес ва касб соҳасида муваффақиятга эришган аёлларнинг йиллар давомидаги изланишлари, тажриба ортиришлари эъзига забт этган юксак марралари билан яқиндан таништириб бориш, уларнинг тажрибаларини ибрат қилиб кўрсатиш, сабр, матонат, меҳнатсеварлик гоъларини сингдириш мақсадида эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, "Устоз – шогирд" аънанаси орқали ёш қизларнинг ҳаёт йўлини топишига кўмаклашиш, касб-хунар ўрганиш, билим олишнинг фойдали жиҳатларини ўргатиш, ҳаёт қийинчиликлари олдида эсанкираб қолмаслик учун машаққатларга матонат билан дош бериб, ўзининг аниқ мақсади сари дадил интилаётган аёллар тақдирини мисолида орзулар ушалишини намойён этиш мақсадида жойларда "Мен муваффақиятли аёлман" лойиҳаси

ўтказилмоқда.

Ана шундай тадбирларнинг бири Қорақалпоғистон Республикаси Хотин-қизлар тадбиркорлик ўқув марказида бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири, Нукус шаҳар Хотин-қизлар кўмитаси вакиллари, фаол тадбиркор аёллар ҳамда тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш ҳамда бошлаш истагидаги хотин-қизлар, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Анжуманда "Мен муваффақиятли аёлман" лойиҳаси доирасида Нукус шаҳридаги "Massaget" меҳмонхонаси директори Дилфуза Жиенбекова билан учрашув бўлиб ўтди.

Тадбир якунида Нукус шаҳри ва Кегейли туманидан ўқув курсини тамомлаган хотин-қизларга сертификатлар топширилди.



## ANDIJONDAGI IBRATLI OILA

**Жамият тараққиёти, маънан баркамол ва жисмонан соғлом авлодни тарбиялашда оиланинг ўрни беқиёсдир. Шу маънода, мамлакатимизда оила мустаҳкамлигини таъминлаш, никоҳ муқаддаслигини ёш авлод онгига сингдириш, уларнинг бу борадаги ҳуқуқий саводхонлигини кучайтириш бўйича самарали иш қилинмоқда.**

Хусусан, биргина "Оила" тушунчасининг Асосий Қонунида алоҳида эътибор қаратилиб, унинг жамиятнинг асосий бўлини эканлиги, жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эгалиги мустаҳкамлаб қўйилгани фикримиз тасдиғидир.

Статистик маълумотларда қайд этилишича, бугунги кунда мамлакатимизда 8 миллиондан ортиқ оилалар бор. Уларнинг 2 миллиондан зиёди эса ёш оилалар саналади. Бинобарин, жами-

ятнинг келгуси тақдирини оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳит белгилаб беришини инobatга олсак, барқарор ва фаровон мамлакат негизини, аввало, мустаҳкам оилалар ташкил этиши ойдинлашади.

Бугун Андижон шаҳрида вилоят хотин-қизлар кўмитаси, "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази бошқармаси, "Нуруний" жамғармаси бўлими, касабаяшумалари ташкилотлари бирлашмаси, вилоят "Маҳалла" кенгаши ҳамкорлигида бўлиб ўтган "Ибратли оила" кўрик-танлови вилоят босқичида бу ҳақда алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Айтиш керакки, кўрик-танлов қуйи босқичларида 3000 тадан ортиқ, ҳудудий босқичларда эса 300 тага яқин оилалар вакиллари қатнашди.

Қизгин ва муросасиз кечган вилоят босқичи беллашувларида марҳаматлик Ўтановлар оиласи ғолиб, деб топилди. Шунингдек, бошқа иштирокчилар 13 номинация бўйича тақдирландилар.

**Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси Матбуот хизмати.**



# ONASIGA “SHAHAR OLIB BERGAN” QIZ

**Н**аргиза Арслонова болалигидан интилувчан, ташаббускор ва меҳнаткаш қиз эди. Дугоналари қўғирчоқ ўйнаса, у машина ўйнаб, шох-шабба, ёғоч ва тупроқдан “ажойиб уйлар” қураб эди. Наргиза қурган уйлар бошқача кўринишга эга бўлганлиги боис ўртоқлари ҳайратда қолишарди. “Бундай уйлар яқин орада қурилмаса керак, ўртоқжон, сен шундай уйлар қурилишига ишонсанми?” Дўстларининг бу каби саволларига Наргиза дадиллик билан: “Албатта, тез орада қурилади. Мен ана шу қурилишларда иштирок этаман”, дея жавоб берарди.



Онаси эса унинг гапларини эшитиб: “Момом раҳматли қиз бола ўқиб шаҳар олиб берармиди, деб айтардилар, қизим бу жасоратинг билан сен менга ростдан ҳам шаҳар олиб берасан шекилли”, – дерди хурсанд бўлиб... Буни қарангки, Наргиза Арслонова чиндан ҳам ажойиб замонавий шаҳарча қурилишида иштирок этди, юртдошларимизнинг фахру гурурига эришиб, онасига раҳмат олиб берди.

## “БАЛАНДЛИҚДА ЗАВҚИМ ОШАДИ”

Ижтимоий сайтларда шов-шув бўлган ўша машҳур кранчи қиз Наргиза Арслоновани излаб “Tashkent-city” га бордик. Эҳ-ҳе, бу ердаги қурилиш жараёнини кузатсангиз, осмонўпар бинолар иссиқни иссиқ, совуқни совуқ демай кўтаринки кайфиятда жон куйдириб ишлаётган қурувчиларни кўриб завқингиз ошади. Ҳу-у-в 100 метр баландликда кранни бошқараётган қизни кўряпсизми? Илтимосимизга кўра қурувчи акаларимиз кранни 50 метрга пастлатиб беришди. У билан суҳбатлашиш учун қаҳрамонимиз ҳар куни чиқиб тушадиган темир нарвондан зўрға кўтарилдик.

– Чарчаб қолмадингизми? – дея бизни самимий қарши олди Наргиза-хон. – Бу нарвонга ҳозир анча ўрганиб қолдим. Фақатгина қиш фаслида қор ёққан пайтлари бироз қийин бўлади. “Тойчоғим” ни шундай яхши кўраманки, 200 метрга чиқиш керак бўлса ҳам чиқардим. Биласизми, баландликда ишлашнинг ўзига хос гаши бор. Ҳар ҳолда Худога яқин жойда турибман, дея ҳамиша ниятларимни айтишдан чарчамайман. Шукрим, сеvimли касбим туфайли жуда кўп нарсаларга эришдим. Айниқса, Президентимиз томонидан “Меҳнат шухрати” ордени билан тақдирланган куним ўзимни дунёдаги энг бахтли инсон деб ҳис қилдим.

## ОМАДЛИ БУРИЛИШ...

Наргизанинг айтишича, унинг “Tashkent City”га кириб келиши ҳаётидаги омадли бурилишлардан бири бўлди. Компьютер технологиялари коллежини тамомлагач, бироз

муддат дастурчи бўлиб фаолият олиб борди. Музқаймоқ цехида ҳам ишлаб кўрди. Негадир ўз ишидан кўнгли тўлмас, меҳрини бериб ишлайдиган соҳаси бошқа соҳа эканлигини сезарди. Кунларнинг бирида иссиқлик электр энергияси станциясига ишчи кераклигини эшитиб қолди. У ерда 2 йил давомида лифт хизматида ишлади. Сўнгра унинг имкониётларини ҳисобга олиб, кранни бошқариш бўйича ўқитишди. Дастлаб бу иш роса мураккаб ва зерикарли туюлди, бироқ бора-бора чекаётган машаққатлари унга завку шавқ бағишлаётганини англай бошлади.

– Бир куни танишларим “Tashkent City”га кранчилар кераклигини айтиб қолишди, – дейди Наргиза кўзлари қақнаб. – 123 метрли кранда ишлашга кўзинг етса, синовдан ўтиб кўр, дейишди. Дастлаб краним айланган кезларда бошим ҳам гир-гир айланарди. Кейинчалик бу мен учун оддий ҳолга айланди, ўзимни яхши ҳис қила бошладим. Ҳатто иш вақти тугаса ҳам пастга тушим келмайди. Кўм-кўк ва беғубор осмонга термилиб хаёл суришни, орзулар қилишни ёқтириб қолдим. Ахир ерга тушишим билан ўзимга таниш турмуш ташвишлари мени чулғаб олади. Касаллиги туфайли оламдан эрта кетган раҳматли акамни эслайман, туну кун касал-манд тоғамга қараб сочлари қақриб бораётган онагинанинг оғирини енгил қилгим келади.

## “БУНЁД-КОРЛИККА ҲАЁТИМНИ БАҒИШЛАДИМ”

Қийинчилик ва

машаққатлар одамни чархлайди, дея бежиз айтишмаган. Сухбатдошимнинг нозикки-на жуссасига, самимият тўла чехрасига боқар эканман, унинг қалби қанчалар улкан эканлигини ҳис қилдим.

– Агар 3-4 та акасининг ҳимоясидаги эрка ва нозик қиз бўлганимда бунчалар чайир бўлмасмидим, – дейди сухбатдошим. – Ана шу улкан қурилиш майдони – менинг асосий ҳаётим мазмуни. Қишнинг қахридан, саратон жазирасидан кўрқмай ишлаётган ҳамкасбларимнинг самимий чехраларини кўриш, мана шу қурилиш ашёларининг ёқимли хидидан баҳраманд бўлиб ишлаш мен учун энг катта бахт. Мен шу жараёнга бор меҳримни, ҳаётимни бағишладим. Келгусида турмуш кўрсам, умр йўлдошим ҳам касбимни ҳурмат қилишини ҳамиша Яратгандан сўрайман. Агар инсон ҳар қандай тўсиқларга қарамай ҳалол меҳнат қилса, барча ниятларига етади. Аллоҳга шукрим, мен шу пайтгача ўзим истаган кўп нарсаларга эришдим.

## МИНОРАЛАР – ТАРИХ ВА ЗАМОН КЎПРИГИ

– Ғури Амир мақбараси, унинг ёнидаги Оқсарой мақбараси, Регистон майдонидаги обидалар мажмуаси, Бибиҳоним мақбараси, Ҳазрати Хизр масжиди, Хўжа Дониёр мақбараси, Хўжа Ахрор Вали меъморий мажмуаси, Хўжа Абду Дарун ва Хўжа Абду Берун обидалари – буларнинг барчасини қайта-қайта зиёрат қилгим келади, – дейди Наргиза. – Чунки инсон зиёратгоҳларга борганида ҳаётнинг қанчалар ғанимат ва бебаҳо эканлигини чуқурроқ ҳис қилади. Мен боболаримиз қурган миноралар ва биноларнинг сир-синоати билан жуда қизиқаман. Хорижликларни ҳам лол қолдираётган архитектура борасидаги ўзига хос тилсимлар ҳақида тинимсиз ўйлайман. Шу боис бу йил Тошкент архитектура ва қурилиш институтига имтиҳон топширдим. Келгуси йилда яна топшириш ниятидаман. Маданий ва архитектура объектиларини сақлаш, ёдгорликларни муҳофаза қилиш ва таъмирлаш билан бир қаторда меъморий ёдгорликлардан замонавий мақсадларда фойдаланиш масалаларини бугунги куннинг долзарб мавзулари-



дан бири десам, адашмаган бўламан. Тарихий ёдгорликларни сақлаш муммоси нафақат Европа ва Россияда, балки Ўзбекистон Республикаси учун ҳам долзарб муаммодир. Архитектура ёдгорликларини замонавий қўллаш характерини аниқлаш услуби бугунги кунда Ўзбекистонда аниқ бир тўхтама келмаган, чунки ҳар бир алоҳида ёдгорлик ёки ёдгорликлар гуруҳига маҳаллий, миллий, тарихий ва бошқа минтақалар анъаналарини ҳисобга олувчи индивидуал ёндашув талаб қилинади. Келгусида ана шу жараён борасида изланишлар олиб боришни мақсад қилганман.

## “HILTON” ҚУЁШДЕК ПОРЛАБ ТУРСИН!

– Тўғриси айтсам, “HILTON” меҳмонхонаси олдида борганимда шундай гўзал ва замонавий бино қурилишига ҳисса қўшганлигимдан фахрланиб кетаман. Ушбу меҳмонхона очилган куни ўз-ўзидан ичимдан йғи келаверди. Чунки жуда каттиқ қувондим. Бу бино, назаримда, пойтахтимиз ҳуснига ўзгача кўрк бағишлади. “HILTON” ҳамиша қуёшдек порлаб туришини, юртимиз осмони ҳамиша беғубор бўлишини истайман. Ҳар сафар тонгда кранимга чиқиб иш бошлашдан олдин унга қараб гурурланиб кўяман. Ушбу меҳмонхонани қуриш жараёни ҳам ўзгача кечган. Гарчи жуда баландда туриб иш бажарган бўлсам-да, бу ҳолат менга чексиз завқ бағишлаган. Қурувчиларимизнинг ҳам кайфияти, шижоати бошқача эди ўшанда. Худди биз афсоналар ичида яшаётгандек эдик...

Камгап, беғубор, камсуқум бўлишига қарамай жуда катта мақсадларни кўнглига туккан бу қизнинг барча ниятлари амалга ошишини тилаб ортимга қайтарганман, юртимиздаги ўзгаришлар ва юксалишлар палласига ўз ҳиссасини қўшаётган бу дадил ва жасоратли замондошимиз ҳақидаги ҳикояларимиз ҳали яна давом этишига ишондим.

**Мухтасар ТОЖИМАТОВА,**  
“Оила ва жамият” муҳбири.

# «ТО‘ЙИМДА IJARAGA KUYOV KELDI...»

Хуқуқларим тикланишида ёрдам беринг... Одатда бу сўроқ билан айникса, хотин-қизлар томонидан қатор ташкилотларга кўплаб murojaatlar бўлади. Мисол учун, 2019 йилнинг биринчи ярим йиллигида Самарқанд вилояти хотин-қизлар кўмитаси ва унинг ҳудудий бўлинмаларига жисмоний ва юридик шахслардан тушган жами murojaatlar сони 8816 тани ташкил этган ҳолда ўтган йилнинг шу даври билан солиштирганда 5657 тага кўпайган. Мурожаатларнинг энг катта қисми уй-жой масаласида бўлиб, 1362 тани ташкил этган, хуқуқчи ҳимоя қилиш масаласида 200 дан ортик, оилавий масалада 1228, моддий ёрдам масаласида 202, бандлик ва тadbirkorlik масаласида 295, тиббий ёрдам масаласида 158, мансабдор шахслар устидан шикоятлар 70, ижтимоий масала 230 ва бошқа масалаларда 285 нафар фуқаролардан murojaatlar келиб тушган.

Лекин уларнинг баъзилари ўз вақтида хуқуқларини билмаганлиги оқибатида шу кўйга тушиб қолганлари ҳам бор. Вилоят хотин-қизлар кўмитасига келиб тушган murojaatlarни ўрганар эканмиз, энг кўп ҳимоясизлик – ўз вақтида қонуний никоҳдан ўтмай оила сифатида яшаш оқибати. Албатта, бу вазиятда асосан аёллар қорасиз қолиб кетмоқда. Қуйида уларнинг баъзиларини воқеалари ва унинг оқибатлари хусусида тўхталиб ўтамиз.

## «Аҳволимиз танглигидан фойдаланди»

– Олдиндан айтман, ушбу аҳволга тушишимга қайсидир маънода ўзим айбдорман, аммо бир инсонни шунчалик алдаш мумкинми? – дейди тойлоқлик ҳомиладор аёл. – Гап шундаки, оилавий аҳволимиз оғир, отам иккинчи гуруҳ ногирони, онамнинг ҳам соғлиги ҳаминқадар. Мавсумий ишга чиқиб, рўзгоримизни тебратиб юрардим. Шундай кунларнинг бирида кўшни туманлик бир йигит билан танишдик қолдим. У кишлоқда онамнинг қариндошлари тургани учун тўй сабаб меҳмонга боргандик. Йигит билан бир

## yoki xotin-qizlar qo'mitasiga qilingan murojaatlarga bir nazar

мунча муддат гаплашиб юридик. Оилавий ҳаёти яхши эмаслигини, аёли билан яшашининг имкони йўқлигини қайта-қайта айтди, барибир бошқа қизга уйланишга мажбуригини, мени ёқтиришини такрорларди. Аввалига оилали бўлса, фарзандларини ташлаб менга уйланмаса керак, деган халғга бордим. Аммо тинимсиз кўнғироқлар, фарзандларимни ташлаб қўймайман, лекин сенга ҳам уйланаман, деган ваъдаларига ишондим. Ҳа, мана шу ерда хато қилдим ва... бўйимда бўлиб қолди. Тезлик билан тўй қилиб бераман, деди, табиийки, хотинидан ажрашмаганди. Тўй куни эса ўзи эмас, узокроқ бир танишини куёв сифатида жўнатди, тўйдан кейин эса хувиллаган уч хонали, бўм-бўш, бегона бир уйга обориб ташлади. Ўзи эса қорасини кўрсатмади. Оз муддат ўтгач, уйни эгаси келиб, ижара ҳақини тўлашни талаб қила бошлади, шундан сўнг сарсонгарчиликлар бошланди. Кўчада қолдим, отаонамнинг қийин аҳволда яшаётганини юқорида айтгандим. Турли ташкилотларга, хотин-қизлар кўмитасига ҳам murojaat қилдим. Туман хотин-қизлар кўмитасига murojaat қилганимда менга «ўзинг айбдорсан» деганди гапирди. Шундан сўнг вилоят хотин-қизлар кўмитасига чиқдим. Мени алдаган, бўлгуси фарзандларини отасини топишди, унга менга шароит яратиб бериш шarti қўйилди. Фарзандим учун яшашга, кейинроқ уни уйлантириш учун меҳнат қилишга тайёрман. Фақат бу каби инсонлар бошқа қизларни алда-

масин, бошқалар мендай алданмасин, дейман. Аҳволи ночор, қўлидан ҳеч нарса келмайди, дея менга ўхшаган қийин вазиятда қолган қизлар осон алданади. Ноинсоф эркаклар мендай қизларнинг шўрини қуритмасин, қийин аҳволда қолдирмасин, дейман.

## Маълумотнома билан никоҳ ўқилди

– Куёв албатта никоҳимизни расмийлаштирамиз, деб ваъда берувди, – дейди ургутлик аёл. – Сабаби, тўйдан аввал туман ФХДё бўлимига бориб, никоҳдан ўтиш ҳақида ариза билан murojaat қилган эдик. Аммо тўйимиз бирданига шoshilich бўлиб қолди. ФХДё бўлимидан олиб келган аллақандай қоғоз билан мулла никоҳимизни ўқиди. Аммо тўйдан кейин вақт ўтса ҳам турмуш ўртоғим никоҳимизни расмийлаштирай, демади, қачон борамиз, десам, пайсалга солади. Орадан бир неча ой ўтди, қайнонам ҳар ишимдан камчилик топиб, ўғлига мени ёмонлайди. Бундай жанжаллардан безган турмуш ўртоғим, онасининг гап-сўзларига ишониб, мени уйдан ҳайдаб юборди. Ҳомиладорлигим, фарзанд кутаётганим ҳам қўзига кўринмади. Кейин билсам, улар муллага, никоҳдан ўтишимиз ҳақида ариза ёзганимиз тўғрисида маълумотнома топширишган экан. Бир аёлинингку тақдирини қизиқтирмас, майли, аммо наҳотки ўз фарзандининг ҳам қандай тўғилиши, унинг «инга»ларини эшитишни отаси истамаса? У нима учун уйландим ўзи? Оиладаги арзимас майда гаплардан



жанжал кўтарилсаю уни ҳал қилолмаган эркакни ким деб аташ мумкин?

Вилоят хотин-қизлар кўмитаси томонидан бу масала ўрганилиб, оилани яраштириш масаласи чоралари кўрилди.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, ўтган ҳамда шу йил давомида вилоятда 2,5 мингга яқин шаръий никоҳ билан яшаётган оилалар аниқланиб, уларнинг 2 минг 300 тасининг никоҳи қонунийлаштирилди.

## Тўрт ўғил нега бир онага қарамайди?!

Каттақўрғондаги ёши 70 дан ошган онахоннинг эса конституцион хуқуқи бузилмоқда. Гап шундаки, тўрт нафар ўғилни дунёга келтириб, вояга етказган она бугун қаровсиз. Маҳалла-қўй, қўни-қўшни ёрдам бериши, хабар олиши қариялар учун далда, албатта. Аммо нуроний ёшдаги кишилар ҳар куни қаровга, сўровга, яъники, ёнида яқинлари билан яшашга эҳтиёжи бор. Аммо бу онахон бир эмас, нақ тўрт ўғилни катта қилган. Лекин шу ёшида у ташкилотматташкilot юриб, ёрдам сўрашга мажбур. Ўғиллардан сўралса, уларнинг баҳонаси шунчалик кўпки, эшитиб, ёқа ушлайсан. Онахонни саховат уйига топшириш тадоригини кўрган ўғиллар ор-номус, андишани аллақачон йиғштириб, дунё ташвишларига ўралашиб қолган. Шунчалик ўралашиб қолганки, ҳатто онам ёнимда бўлсайди, ҳаммасига розиман, дегувчи кишиларнинг молаларини ҳам тинглай олмайдди, Она аталмиш зотнинг муътабарлиги улар учун ҳеч бир қийматта эга эмас.

Вилоят хотин-қизлар кўмитасида ушбу murojaat ҳам ўрганилмоқда, ўғиллар билан суҳбат олиб бориш, уларнинг оилаларига зарур бўлса, ёрдам кўрсатиш чоралари кўриляптир. Аммо фарзандларнинг қалб кўзини очиш чорасини ким кўрадикин, бунга жуда кеч бўлмадикан?..

Гулруҳ МҮМИНОВА,  
«Оила ва жамият» муҳбири.

### МЕҲНАТ ҚОНУНЧИЛИГИДА АЁЛЛАРГА БЕРИЛГАН АЙРИМ ИМТИЁЗЛАР

**✓ ҲОМИЛАДОР АЁЛЛАР ВА 3 ЁШГА ТўЛМАГАН БОЛАСИ БОР АЁЛЛАР** билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди. Корсонанинг бутунлай тўғтилиши ҳоллари бундан мустасно.

Корхона тугатилганда меҳнат шартномаси уларни албатта ишга жойлаштириш шarti билан бекор қилинади.

**✓ 2 ЁШГА ТўЛМАГАН БОЛАСИ БОР АЁЛЛАР** ишини бажариши мумкин бўлмаганда, боласи 2 ёшга тўлгунча энгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсирдан ҳоли бўлган ишга ўтказилди ва аввалиги ишдаги ўртача ойлик иш ҳақи сақланади.

**✓ ҲОМИЛАДОР АЁЛЛАРНИ ВА 14 ЁШГА ТўЛМАГАН БОЛАСИ (16 ЁШГА ТўЛМАГАН НОГИРОН БОЛАСИ) БОР АЁЛЛАРНИ** уларнинг розилигисиз тунги ишларга, иш вақтидан ташқари ишларга, дам олиш кунларидаги ишларга жалб қилишга ва хизмат сафарига юборишга йўл қўйилмайди.

Уларни тунги ишларга жалб қилишга тиббий ҳулоса бўлган тақдирдагина йўл қўйилади.

**✓ 2 йшга тўлмаган боласи бор аёлларга** болани овқатлантириш учун ҳар 3 соатда бир марта ҳар бири 30 минутдан кам бўлмаган қўшимча танаффуслар берилади.

**2 йшга тўлмаган 2 ва ундан ортик боласи бўлган тақдирда,** танаффуснинг муддати камида 1 соат қилиб белгиланади.

Болани овқатлантириш учун бериладиган танаффуслар иш вақтига киритилди ва ўртача ойлик иш ҳақи ҳисоби бўйича ҳақ тўланади.

**✓ Бюджетдан молиялаштирилган муассасалар ва ташкилотларда ишлайётган 3 йшга тўлмаган боласи бор аёлларга 35 соатдан ошмайдиган иш вақти белгиланади.**

Бунда аёллар меҳнатига ҳақ ҳар куни тўлиқ иш муддати учун белгиланган миқдорда тўланади.

**✓ ТИББИЙ ХУЛОСАГА МУВОФИҚ** ҳомиладор аёлларнинг ишлаб чиқариш нормалари, хизмат кўрсатиш нормалари камайтирилади ёки улар аввалиги ишларидаги ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда энгилроқ ёқуд ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсирдан ҳоли бўлган ишга ўтказилди.

**✓ Ногирон боласини тарбиялаётган ота-онанинг бирига бола 16 йшга тўлгунча** иш ҳақи тўланган ҳолда ойига қўшимча 1 дам олиш куни берилади.

**✓ Аёлларга туққунга қадар 70 КҲН** ва туққундан кейин 56 КҲН ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари берилиб, нафақа тўланади.

**advice.uz @huquqiyaxborot**

## QATRALAR

### ҚИЗ БОЛАНИНГ ДИПРОЗИ

- Моможон, қўйсангиз-чи, Садаф менинг синглим-ку!
- Аниқроғи, қўшимизнинг қизи.
- Аммо барибир синглимдай...
- Аммо барибир яхши кўрасан.
- Қийнаманг... Мен-ку, мен майли... Садафнинг ўзи нима деркан?..
- Катта қиз бўлгандан бери бирор оғиз ҳам гапирмайди...
- Гапиради. Аслида ҳар куни сенга дилини ёради.
- Қа... Қа-чон?!
- Қачон дейсанми? Ҳовлингдаги гулларга сув куйганда, келиб онанинг юмушларига қарашганда, қаймоқ емаслигини била туриб менга ҳар куни қаймоқ илинганда... Шуллар бари сенга гапиргани, дилини ёргани-ку, болам.
- Моможон... Чин айтасизми?!..

### ТАЗАРРУ

Унинг қўзлари жиққа ёш эди. Акасининг елкасидан кучиб, пичирлади: – Кечир ака, ўша аблаҳ мен эдим! Ўзим ўзимни кечиролмасам ҳам сен кечир. Тунда уйингга ўғринча кирган мен эдим, мен!.. Аслида ундай қилмоқчи эмасдим... Менга фақат пулларинг керак эди. Лекин нима қилай, ўзинг менга ташландинг. Атроф қоронғу эди... ва қўлимда пичоқдан бўлак ҳеч нарса йўқ эди... Бу ўртаимизда қолади-я, тўғрими? Бари сир бўлиб қолса майлими?

Шу пайт орқадан вазмин овоз эшитилди: – Майитни жойига қўйинг, иним. Жигарингизга Аглоҳнинг ҳукми шахидлик экан...

### ЭЪТИҚОД

Қизалоқ ҳаминша ота-онасининг юзини ерга қаратмасликка тиришарди. Улғайиб, мактабга боргач ҳам шунини ўйлади. Бир куни унга «ўғри» деб тухмат қилишганида, энди ота-онаси ўзини ёмон кўриб қолишдан қўриб кетди. Йиғлади. Ота-онасига айбисиз эканини айтгиси, уларни жуда кўргиси келди... Ахир қизалоқ уларни бирор марта кўрмаганди.

**Жафарсодик**

oilavajamiyat@mail.ru

**К**ейинги йилларда болалар спорти ва жисмоний тарбияни ривожлантиришга давлатимиз томонидан катта эътибор берилмоқда. Бундай эътиборнинг самарасини эса ёшларни турли халқаро спорт мусобақаларида кўксига олтин медаль тақиб қайтаётганидан ҳам кўришамиз мумкин. Аммо... Айрим таълим муассасаларида жисмоний тарбия фанини тўғри ташкил этиш борасида муаммолар ҳам йўқ эмас...

Яқинда таҳририятимизга Тошкент шаҳрида яшовчи Азиза Умарова исмли онадан келган мактубда куйидагилар ёзилган. ...Қизим Нодира 5 -синф ўқувчиси. Мактабда жисмоний тарбия дарсида тўп таламан деб, оёғини синдириб олган. Жисмоний тарбия ўқитувчиси қизимнинг иккита дугонасига уни "мактаб ҳамширасига кўрсатиб келинган", деб бира жўнатган. Афсуски, синфдош қизлари ҳамширага олиб бормай, нарсаларини йиғиштириб, уйига кетиб қолишган. Чунки жисмоний тарбия дарси охириги соатда бўлган. Қизим оқсоқланиб, зўрга уйга кириб келди. Суруниб кетган бўлса керак-да десам, ҳеч вақт ўтмай шифа бошлади. Дарҳол синф раҳбарига кўнгирак қилдим, жисмоний тарбия дарсида қизим жароҳатланибди, деб. Тез ёрдамга кўнгирак қилдик ва касалхонага бориб оёғини рентген қилса, ўнг оёғи тиззаси пастки суягига дарз кетибди. Гипс қилишди. Аслида мактаб дастурида жисмоний тарбия дарсида қизларни футбол ўйнаши, тўп телиши иш режасида борми? Мана бир ойга яқиндики, қизим мактабга боролмапти.

Соғлом авлодни вояга етказиш, таълим-тарбия бериш боғчадан бошланиб, мактабда секин-аста ривожлантирилиб борилади. Айнан шу даврда жисмоний тарбия фанига қизиқтириш орқали болада жисмоний маданиятни шакллантириш билан бирга соғлом бўлишига замин яратилади. Табиийки, бу жараёни қанчалик тўғри ташкил этиш жисмоний тарбия ўқитувчисининг билими ва маҳоратига боғлиқ. Хўш, буғунги кун талабига жавоб берадиган жисмоний тарбия фани ўқитувчиси қандай бўлиши керак? У нималарга аҳамият бериши, дарс машғулотларини қай тарзда олиб бориши лозим? Шу каби саволларга жавоб олиш мақсадида жисмоний тарбия дарсларини кузатдик.

Республикамиздаги мактаблар мисолида жисмоний тарбия дарслари сифати ва фан ўқитувчиларининг малакасини таҳлил қиладиган бўлса, минг

## JISMONIY TARBIYA DARSII

faqat to'p tepish deganimi?

афсуски, уларнинг аксарияти талабга жавоб бермаслигига амин бўламиз. Дарсларнинг кўпи шунчаки, хўжақўрсинга ўтилаётгандек туюлади. Кузатишларимиз натижасида билдикки, айниқса, бошланғич синфларда кўп муаммолар ҳолатлар учрамоқда. Ҳаттоки, бошланғич синф ўқитувчисининг ўзи жисмоний тарбиядан "дарс" бераётгани, номуахассис ўқитувчилар ҳам машғулот ўтказаятган вазиятларнинг гувоҳи бўлдик. Қолаверса, мактаб стадионларининг кўпчилиги қоникорасиз аҳволда. Кийиниш, ювиниш хоналари ҳам ачинарли ҳолда. Маълумотларга кўра, айниқса, бошланғич синф ўқувчиларининг жисмоний жиҳатдан соғломлик даражаси қоникорли эмаслиги кўпгина мутахассислар томонидан эътироф этилмоқда. Илмий тадқиқотлар натижасида олинган маълумотларга кўра, буғунги кунда бошланғич синф ўқувчиларининг тўртдан уч қисми бирданига ортқича ўқув юктамалари билан банд этилганлиги оқибатида кундалик ўқув предметларини ўзлаштиришга қийналмоқда.

Бундан ташқари, дарсларнинг методик жиҳатдан тўғри ташкил қилинмаслиги, ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари ва жисмоний ривожланишини ҳисобга олмаган ҳолда машқур танланиши натижасида ўқувчиларнинг кўшимча куч сарфлашига олиб келмоқда.

— Жисмоний тарбия фани ўқитувчиси доимий изланишда бўлмаса, ўз фани бўйича ҳеч қандай ижобий натижага эриша олмайди, — дейди Самарқанд вилояти Тойлоқ тумани 5 — ўрта мактаб жисмоний тарбия ўқитувчиси Шаҳноза Бекназарова. — Айрим ўқитувчилар болаларни мактаб спорт залига ёки очиқ стадионга олиб чиқядади: "Мана тўп, мана футбол майдони, ўйнайверинлар", дейишади. Ўзи эса телефонда гаплашиб, бошқа ишларини битиради. Болалар ўз билганларича тўп ўйнашади, бири ютиб, бири ютказган жамоа бор

**Аксар ҳолларда ўқувчиларнинг барчасидан формада бўлишни қатъий талаб қилган ўқитувчи болаларнинг олдига битта тўп ташлайди-ю 45 дақиқа ўз ишлари билан машғул бўлади. Ўйлаб қоламан, қизлар билан ўғил болалар жисмонан фарқ қилишадия нега ўқитувчи буни инobatга олмайди, ёки ёнида назорат қилмайди. Қолаверса, жисмоний тарбия фани фақат югуриш, тўп ўйнатиш дегани эмас-ку?**

бўлса бўлди. Бола бир соатлик жисмоний тарбия дарсидан ҳақиқий чинқиш сабоғини олсин. Футбол, волейбол, шахмат кўйинги, спорт ўйинлари билан шуғулланишнинг ментин қондасини ўргансин. Бу фан ўғил-қизларнинг соғлом ўлғайишини ҳамда бир жамоа бўлиб ҳаракатланишига кўмак беради. Ўқувчилар майдонда шунчаки эмас, мактаб, маҳалла, туман ва она юрт шаънини ҳимоя қилишга шай турсин. Фаолиятим мобайнида кўпгина ўқувчиларим билан бир қатор спорт мусобақаларига қатнашдик. Гарчи улар орасидан спорт соҳасидан кетганлари кам бўлса-да, лекин жисмонан ва руҳан соғлом бўлиб тарбияланишида ас қотгани, шубҳасиз.

— Кўп қаватли уйларнинг бирида истикомат қиламан. Уйимиз ёнида мактаб стадиони жойлашган, — дейди ўзини Муҳайё Аббосова деб таништирган аёл. — Кўпича деразадан қараб, стадиондаги болаларни томоша қиламан. Аксар ҳолларда ўқувчиларнинг

барчасидан формада бўлишни қатъий талаб қилган ўқитувчи болаларнинг олдига битта тўп ташлайди-ю 45 дақиқа ўз ишлари билан машғул бўлади. Ўйлаб қоламан, қизлар билан ўғил болалар жисмонан фарқ қилишадия нега ўқитувчи буни инobatга олмайди, ёки ёнида назорат қилмайди. Қолаверса, жисмоний тарбия фани фақат югуриш, тўп ўйнатиш дегани эмаску?

Болалар тарбиясида, уларнинг жисмонан бақувват, ақлан баркамол бўлиб етишишларида жисмоний тарбия етакчи роль ўйнайди. Ҳар бир педагог замон билан ҳамқадам бўлиши лозим. Жисмоний тарбия фани ўқитувчиси ҳам касбига астойдил ёндашиб, олдига бўлажак жаҳон чемпионлари, ҳеч бўлмаганда, жисмонан соғлом инсонларни вояга етказишни мақсад қилиб қўйиши зарур, деб ўйлайман. Ўқитувчи томонидан тузилган тақвимий йил режа авваламбор, узоқни кўзлашга, мақсадни, вазифаларни аниқлашга имкон яратадиган, ҳамда қўйилган талабларни ҳал қилишда энг самарали восита саналади.

— Масалан, мен дарсини режа асосида олиб бораман, — дейди Сергели туманидаги 6- умумтаълим мактаби жисмоний тарбия ўқитувчиси Митхат Мифтахов. — Бу болаларнинг ҳар сафар бир хил машқурини бажариб, зерикшининг олдини олиш учун энг тўғри йўлдор. Ҳаракатли ўйинлар, эстафетали мусобақалар болаларнинг завқини, дарсга қизиқшини оширади. Натижада уларда жисмоний тарбия дарслари баҳонасида эпчиллик, тетилик, ўзига ишонч шаклланади. Жисмоний тарбия фани — ҳаракатлар мажмуасидир. Демак, дарс жараёнида кичик жароҳат олиш, кимгадир тур-

тилиб кетиш каби ҳолатлар юз бериб туриши табиий. Бундай пайтларда уларга, албатта, биринчи ёрдам кўрсатилади. Бироқ баъзи ота-оналар вазиятни тушунмай норозилик билдириб, ўқитувчини айблаб шикоятлар ҳам билдириб туришади. Биз болаларнинг ҳар томонлама тўлиқ ривожланишига ёрдам бериш, саломатлигини мустаҳкамлаш, ҳаётга ва меҳнатга тайёрлаш, етуқ шаҳс бўлишига ҳисса қўйишга ҳаракат қиламиз, ҳолос.

Жисмоний тарбия дарсларини универсал тарзда ўтишининг ҳам ижобий томонлари кўп. Масалан, ўқувчи бир спорт тури билан кифояланмай, барча оммавий спорт турлари техникасидан хабардор бўлади, ўғил-қизлар орасида уюшқоқлик, жамоавийлик яхши шаклланади.

Ҳар сафар амалий машғулотларга киришиш арафасида, албатта ўқувчиларга 5 дақиқа назарий билим бераман. Кейин енгил машғулотларга ўтаман. Шунда ўқувчилар фақат куч эмас, тафаккур ҳам жисмоний тарбия фанининг муҳим бўлаги эканини англайди.

Жаҳон тажрибасида мазкур фанга шунчаки машғулот ўтказиш эмас, балки бутун бошли тизим сифатида қаралгани боис мутахассисга ҳам қатор талаблар қўйилади. Европада жисмоний тарбиядан дарс берадиган ўқитувчи нафақат спортчи ва педагог, балки тиббий малакага эга, болаларни яхши тушунадиган психолог мураббий ҳам бўлишига эътибор қаратилади. У ўқувчиларни дарсга қизиқтириши, улар билан мулоқотда сабрли, баъзан талабчан ва қаттиққўл бўлиши талаб этилади. Бизда ҳам шундай тизимга ўтиш даври келгандир. Балки технология дарси сингари жисмоний тарбия дарсини ҳам қизларга алоҳида, ўғил болаларга алоҳида ўқитувчи брикитрилиши керакмикин? Чунки ўқувчилар сони 30 дан ортиқ, ўқитувчи эса битта. Спорт залда эса ўқитувчи ҳар бирини назорат қилиш қийин. Қизларга машғулотларни бериб, ўғил болалар ёнига етиб келиш ҳам вақтни олади.

Кўпгина мактабларда жисмоний тарбия давлат дастурида кўзда тутилгандек ташкил қилинмайди. Бунинг биринчи сабаби, мактаб ўқитувчиларининг жисмоний тарбияга масъул бўлганларнинг барчасида жисмоний тарбия назарисига ва методикасига оид билимлар етарли эмас. Бу муаммоларни ҳал қилишга қаратилган, методик адабиётлар ва қўлланмалар ҳам жуда кам.

Фарзандларимиз жисмонан бақувват, руҳан тетик ва баркамол бўлса, ўз олдига қўйган мақсадига тез эришади. Бу мақсадга етишиш йўлида жисмоний тарбия ўқитувчиларининг меҳнатлари беқиёс. Агар улар ўз ишларига масъулият билан ёндашишса, буғун мактаб оstonасида турган йигит-қизлардан эртага юртимиз шафқини кўларга кўрадиган чемпионлар етишиб чиқиси, аниқ.

**Чарос ДУСМАТОВА,**  
"Оила ва жамият"  
муҳбири.

# КИТОВ JAVONNI BEZASH UCHUN EMAS,

## o'qish uchun xizmat qilsin



“QALAMPIR.UZ”

таҳририятининг 24 сентябрь кундаги хабарларида “Ўзбекистонда озарбайжонлик депутатнинг сифатсиз чоп этилган китоби тақдироти ўтказилди” номли мақоласини ўқигач, анчадан буён ушбу мавзуда ўйлаб юрган мулоҳазаларимни қоғозга туширишга қарор қилдим.

### ЎЗУВЛАР ҚОРИШИБ КЕТГАН

Мақолада Озарбайжон республикаси миллий мажлиси депутати Ганира Пашаеванинг Ўзувчилар уюшмасида ўтказилган “Оч эшикни” номли шеърӣ тўплами тақдимоти ўтказилиши сабабли юртимизга ташриф буюргани ҳақида сўз юритилади.

– Китоб “Лессон пресс” нашриётида чоп этилган. Унда фойдаланилган қоғоз ва сиеҳ шу қадар сифатсизки, варақнинг у бетидеги ўзув нариги бетига қоришиб кетган, – дейилади матнда. – Бу эса уни мутолаа қилиш жараёнида ўқувчига қийинчилик туғдиради. Айниқса, кўз касалликларига чалинган, кўзойнақдан фойдаланадиган ўқувчилар китобни ўқишда анча қийналиши аниқ. Кўз касалликлари буйича шикоят бўлмаган ўқувчиларга эса бу китобни ўқимаслик тавсия этилади. Чунки, шунчаки варақлаб кўриш жараёнининг ўзидаёқ кўзларингиз жимирлаб кетиши, шубҳасиз. Хорижлик ўзувчининг китоби бу алфозда чоп этиш кулгили эмасми?

### ҚАНЧАЛИК ҲАҚИҚАТГА ЯҚИН?

Ҳамкасбаримизнинг Ўзбекистонда сўнгги йилларда ноширликка қаратилган эътибор, қабул қилинаётган қарорлар хусусий нашриётлар фаолиятида у қадар катта ўзгаришларга туртки бўлмаганини биргина Ганира Пашаеванинг юртимизда нашр этилган китоби мисолида кўриш мумкин қабилидаги эътирозлари қай даражада ҳақиқатга яқинлигини билиш мақсадида пойтахтимизнинг Чорсу бори атрофидаги Навоий кўчасида жойлашган китоб дўконларидаги аҳолини ўргандик. Мана кўлимда биринчи сифатсиз китоб. “Адабиёт учкунлари” нашриёти томонидан 2018 йилда чоп этилган “Шум боланинг набиралари” номли 5 минг нусхада чоп этилган 10500 сўм нархдаги китобча сифатсизлигидан қора бўёқлар бир-бирига чаплиниб, ҳарфлар ўқиб бўлмайдиган ҳолга келиб қолган. Афғон адаби Холид Хусайнийнинг “Минг куёш шуъласи” романи (Янги аср авлоди) нашриёти, 15500 сўм нархда) нинг ичидаги воқеалар ушбу нархга арзийди, аммо китоб сифати мутолаа арзимайди. Саид Аҳмаднинг “Қорақўз Мажнун” (“Сано стандарт” нашриёти 2018 йил) ҳикоялар тўпламини жуда ҳам охишта, авайлаб оқишга тўғри келади. Дарвоқе, уни ўқиш шарт эмас, уйингизга олиб бориб, китоб жавонига авайлаб жойлаб қўйишнинг ўзи кифоя. Боиси варақларини очмасингизданоқ йиртилиб, иккига бўлиниб кетади. Александр Дюманин “Граф Монте Кристо” романини (“Баёз” нашриёти) ўқиш учун ёнингизда қайчи олиб юришингизга тўғри келади. Ахир биринчи варақдан сўнг иккинчи варақни ўқиш учун бетларни ким сиз учун қирқиб беради? Фақат шошилинг, чунки варақларни қирқиб олгунингизча

нимани ўқиганингиз ёдингиздан чиқиб қолиши мумкин. “Samo-Print” МЧЖ босмахонаси томонидан чоп этилган “Чуртанбалиқ амри билан” деб номланган рус халқ эртагида илгари сурилган гоғлар қадриятларимизга мутолаа зидлиги ҳақида-ку гапирмас ва бўлади. Асарнинг мазмунидан ҳам суратининг ажабтовурлиги эътиборимизни тортди. Яъни суратдаги бош қахрамон Емеля исмли бола нари борса 10-11 ёшда, унинг севгили Мария эса балогатга етган қиз ҳолатида тасвирланган. Хуллас, бундай мисолларни истаганча келтириш мумкин.

– Кейинги пайтларда жуда кўп китобларни сифатсизлиги туфайли нашриётларга қайтариб юборишга мажбур бўляпмиз, – дейди “Ҳайитбоев Бизнес” китоб дўкони сотувчиси Зоҳид Ҳайитбоев. – Чунки баъзида энг зўр нашриётлардан келган машҳур китобларнинг ҳам бетлари алмашиб қолган, яъни тикилмаган ёки елимланмаган бўлади. Ҳозир харидорлар китобнинг нархидан кўра кўпроқ сифатига эътибор беришади. Масалан, Теодор Драйзернинг “Бахтиқаро Керри” романи (“Ilm-ziyo-zakovat” нашриёти)нинг минг йил ҳам сақлаб қўйишингиз мумкин. Муқоваси ҳам сифатли, варақлари ҳам яхшилаб тикилган. Аммо хонахотини тагига қўйишнинг бошқасига ярамайди-ганлари ҳам бор.

Бизнингча, ҳар бир нашриёт ҳамда босмахонада чоп этилган китобнинг мазмуни, гоғаси, дизайни, сифатига жавоб берадиган масъул ходимлар бўлади. Таҳминимизча, юқоридаги босмахоналарда ана шундай ижодий жамоа шаклланмаган. Ёки назоратнинг йўқлиги мазмунан саёз, сифатсиз, фақат чўнтақбол китоблар кўпайишига йўл очиб бермаганида куюнчак газетхонларимиз ҳам бу борада таҳририятга мурожаат қилишмаган бўларди.

**Александр Дюманин “Граф Монте Кристо” романини (“Баёз” нашриёти) ўқиш учун ёнингизда қайчи олиб юришингизга тўғри келади. Ахир биринчи варақдан сўнг иккинчи варақни ўқиш учун бетларни ким сиз учун қирқиб беради? Фақат шошилинг, чунки варақларни қирқиб олгунингизча нимани ўқиганингиз ёдингиздан чиқиб қолиши мумкин.**

### РОМАНИ ҚИССАГА АЙЛАНТИРГАН НОШИРЛАР

– Яқинда Ўзбекистон халқ ўзувчиси Ўткир Ҳошимовнинг 2018 йилда нашр қилинган “Икки эшик ораси” китобини шахсий кутубхонамга кўшиб қўйдим. – дейди Сирдарё вилояти Мирзаобод туманидаги 15-мактабнинг 11-синф ўқувчиси Ёрқинжон Ҳайитбоев. – Китобни варақлар эканман, беихтиёр муқовадан кейинги бетда асар номи киритилиб, ундан сўнг қисса деб ёзиб қўйилганлигига кўзим тушди. Асардаги

маълумотларда барчаси роман деб юритилгану, фақат шу биргина бошида қисса деб таъкидланган. Тошкентдаги “Адабиёт учкунлари” нашриётида тайёрланган китобдаги бу янги “ихтиро”ни кўриб, нашриёт томонидан буюк адибимизнинг ўлмас адабий меросига нисбатан эътиборсизлик қилинганлигини тушундик. Тагин, сўзбошида Президентимизнинг 2017 йил 13 сентябрдаги “Китоб маҳсулотларини

нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш буйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисидаги” қарорининг келтирилганлигию унинг ортидан “Ушбу нашрнинг ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, у ўзбек тилининг ҳозирги имло қоидаларига тўлиқ мосланган шаклда берилди”, дея ёзилганлиги кулгумизни келтирди.

### ИЛМ АҲЛИ ҚАЕРДАСИЗЛАР?

Бугун кутубхоналарда китоблар ҳам етарли, ўқимокчи бўлган китобхонлар ҳам бор. Мамлакатимиздаги нашриётлар адибларимиз, ёш ижодкорларимизнинг асарларини тинимсиз китоб ҳолида нашр қилишмоқда. Нашр қилинаётган асарлар орасида талабга жавоб берадиган нашриётлар ҳам кўпгина. Масалан, “Шарқ”, “Ўқитувчи”, “Ўзбекистон” нашриётларида чоп этилаётган китобларнинг сифати нархига арзийди.

Аммо китобхонни имловий хатолардан, сифатсиз муқоваю тушунарсиз суратлардан чалғитадиган ҳолатларнинг олдини олиш вақти етди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурдаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги дастлабки саёй-ҳаракатларни бошлаб юборгани ҳақидаги хабарни ижтимоий тармоқдан ўқиб хурсанд бўлдик. Агентлик директори Комил Алламжонов Facebook ижтимоий тармоғидаги каналида агентлик Германиянинг «Heidelberg» компанияси билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйганидан сўнг матбаа ва полиграфия ускуналарини ишлаб чиқарувчи ушбу компания фаолияти билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлганини билдириб ўтган.

– «Heidelberg» бежиз жаҳон бозорининг деярли ярмини эгалламаганига ишонч ҳосил қилдик, – деб ёзади К. Алламжонов. – Бу ердаги техникалар, энг замонавий матбаа ускуналари кишини ҳайратга солади. Компания Бош директори Райнер Хундсдёрфер билан учрашувимизда полиграфия соҳасининг янги йўналишларини муҳокама қилдик, ҳамкорликка келишиб олдик.

Жуда очик ва самимий одамлар. Мен улардан битта босма машинани кимлар ва қандай яратишини сўрадим. Кўринишдан иложсиздек кўринган босма машинанинг чизмасидан то амалда пайдо бўлишигача тўрт йил вақт ва албатта, катта пул керак бўлар экан. Буни ўзга сайёралар эмас, оддий ва самимий одамлар яратяпти, илм аҳли, олимлар яратяпти.

PS: Ўзимизга танқидий кўз билан қарасак: бизга маънавият, санъат, шоирлар, тўй ташвишларию хонандалар тарбияси жуда керак. Лекин техник ва инженер мутахассислар ундан кам бўлмаган даражада зарур. Қачонлардир биз ҳам тайёр техник ускуналарни сотиб олиш ёки олиб-сотишни эмас, балки яратишни ҳам ўрганармиз. Кичкинагина нимадур бўлса ҳам майли бошланишига. Олимларимиз, илм аҳли қаердасизлаааррр? Сиз нима деб ўйлайсиз, азиз биродарим?

Ушбу таҳлилимиз орқали кимнингдир хатосини матбуотда кўз-кўз қилиш эмас, балки ўз эътиборсизлигимиздан хулоса чиқаришимиз лозимлигини тушунтиришдир. Ижодкорларнинг нина билан қудук қазихдек машаққат билан яратяётган асарлари китобхонларга сифатли ва мазмунли этиб боришларини хоҳлаймиз, холос.

**Нигора РАҲМОНОВА,**  
“Оила ва жамият” мухбири.



# Mening ONAM farrosh

u dunyodagi eng savobli kasb egasi

Кўча-кўйни супуриб, шаҳарларимизни саришта қилаётган ободонлаштириш бошқармаси ходимларию оёғимиз остидаги жойни, биноларни чиннидек тоза сақлаётган фаррошларнинг меҳнاتини кўриб, баъзан ўйланиб қоламан. Ахир, дунёдаги энг савобли иш ана шу аёллар обод қилаётган гўшалардаги меҳнат эмасмикан? Кимлардир паст назар билан қарайдиган бу меҳнат, аслида энг шарафлидир. Ахир, олий маълумотли деган дипломи бўла туриб, мамлакатга ҳеч қандай фойда келтирмайдиган, чўнтагидан бошқа ғами йўқ баъзи кимсалар сиз учун қадрлироқми ёки фаррошлик қилиб бўлса-да, эл қорига яраётганларми? Бу саволга қандай жавоб бериш ҳар бир инсоннинг ўзига боғлиқ.



## Мен онам

билан фахрланаман. Уларнинг касблари билан ҳам фахрланаман. Сабаби, озодаликни сақлаш учун ҳаракат қилиш ҳар кимнинг кўлидан келмайди. Ўз уйини эплаб тозаламайдиганлар, ҳовлисига кирсангиз бегона ўтлар чиқиб, битта ҳам кўчат экмайдиганлар, аммо обод жойга чиқинди ташлашни "қойиллатадиганлар" бор.

## ОБОД ЖОЙГА ЧИҚИНДИ ТАШЛАШ ОСОН, АММО...

Кўшимча дарсларим тугаши билан уйга қайтаман. Онам иккимиз куннинг гира-ширасида мактаб томон йўл оламиз. Қишлоғимиз марказида жойлашган мактаб, гарчи кичкина бўлса ҳам ўзгача фойзи бор. Бежиримгина спорт залига киримиз-у, тезда тозалаб, уйга қайтамыз. Онам билан залимизнинг полини бир зумда тозалаб бўламиз. Меҳрибоним доим менга, "Болам биз дунёдаги энг савобли ишни қиляемиз. Атрофни чиқиндига тўлдириб осон. Лекин бу осонлик ортидаги эътиборсизлик яхшилик билан тугамайди. Тозалик эса, ҳамisha яхши. Обод жойда барака бўлади", дейди. Уйга келиб, дарс тайёрлаб бўлгач, оилавий куннинг тафсилотлари ҳақида суҳбатлашамиз. Дадам даладан, онам маҳалладан, мен эса ўқимдан қизиқ-қизиқ ҳангомаларни айтамыз. Мен онам билан фахрланаман. Уларнинг касблари билан ҳам фахрланаман. Сабаби, озодаликни сақлаш учун ҳаракат қилиш ҳар кимнинг кўлидан келмайди. Ўз уйини эплаб тозаламайдиганлар, ҳовлисига кирсангиз бегона ўтлар чиқиб, битта ҳам кўчат экмайдиганлар, аммо обод жойга чиқинди ташлашни "қойиллатадиганлар" бор.

Ана шуларга қарата куйидагиларни айтмоқчиман. Тоғдек қадрини йўқотаётган қадрдоним, қайсидир дарахнинг шоҳини синдириясизми, боғбоннинг меҳнатини кўз олдингизга келтиринг. Сиз махсус жойга эмас, балки қаергадир чиқинди ташлаясизми, ўша ерни онангиз, опангиз қатори аёллар супуришини кўз олдингизга келтиринг. Сиз кимгадир оғриқли, дилни хира қиладиган сўзларни айтаясизми, ўзингизга ҳам бир кунни ўша гаплар қайтиб келишини кўз олдингизга келтиринг. Яхшилик қилиш қўлингиздан келмайдими, ҳеч бўлмаса ёмонлик ҳам қилманг.

Бахт инсоннинг обрўли касби билан эмас, ҳалол меҳнати билан ўлчанади. Ҳақиқий обрў яхшиларники. Манман инсон қанча ҳаракат қилмасин, ҳақиқий обрўга эриша олмайди. Мен учун дунёдаги энг обрўли иш тозаликни сақлашдир. Келинг, ҳамisha ана шу яхшиларга ёрдам бериб, атрофни асраб, бир-биримиздан меҳрни қизғонмай яшайлик.

Ёрқинжон ҲАЙИТБОЕВ,  
Сирдарё вилояти Мирзобод  
тумидаги  
15-мактабнинг 11-синф ўқувчиси

## АСЛИДА ЙЎҚ ОБРЎЛАРИ ТЎКИЛАДИ

Яқинда бир воқеага гувоҳ бўлдим. 2-синфлар чамаси қизалогини мактабга олиб кетаётган она, фарзандига кўча супураётган аёлни кўрсатиб: "Сен ҳам яхши ўқимасанг, анавиларга ўхшаб кўча супуриб юрасан..." дерди. Ахир, бу каби доно "маслаҳат"ни эшитган фарзандга кунни келиб манманлик, кибр, фаррошлик касбидаги инсонларни менсимаслик каби ёмон иллатлар пайдо бўлмаслигига ким кафил бўла олади? Ҳеч ким. Сабаби, онасининг ўзи шундай йўл кўрсатгандан кейин, фарзанддан нима ҳам кутиш мумкин? Шу лаҳзада юрагимдан куйидагилар ўтди. Эй нодон, сиз айтаётган "анавилар" бир кун бўлмасин-чи, шаҳар қандай аҳволга келар экан? Агар бирор кун, барча ободонлаштириш ходимлари дам олишса, ана шу қизалокнинг онасига ўхшаганлар кўчаларимизни тозалай олармикан? Йўқ, асло бундай қилишмайди. Ахир, бу ишларни қилишса, уларнинг аслида йўқ обрўлари тўкилиб қолади-да...

## ҲАЛОЛЛИК БОЙЛИК КЕЛТИРАДИ

Минг афсуски, одамлар орасида озодаликни сақловчи ишлар ва ишчиларга паст назар билан қарайдиган олифталар ҳам бор. Шу ўринда ҳалоллик тарозисига икки хил ишнинг усталарини қўйиб кўрайлик. Бир палладан фаррошлар, иккинчи палладан ўғрилар жой олган. Фақатгина биринчи палладаги холанинг кўлида супури, иккинчи палладаги ўғрининг кўлида эса қимматбаҳо телефону жуда кўп пул бор. Азизим, сиз албатта, биринчи палланинг оғир келишини ва ҳалоллик аслида ана шу паллада мужассам бўлганини биласиз. Ана кўрдингизми, қимматбаҳо телефону жуда кўп пуллар ҳам ҳалоллик олдида қадрсиз. Шу ўринда айтиш жоизки, ҳалоллик моддий бойликни келтира олади, аммо тоғдай моддий ҳам ҳалолликни сотиб олишга қодир эмас. Чунки ҳалол меҳнат қилишга ундовчи куч инсонларнинг қалбида яралади, шаклланади. Уни сотиш ва сотиб олиш мумкин эмас.

## БИЗ ҲАҚИМИЗДА ҚАЧОН ГАЗЕТАГА ЁЗАСАН?

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимовнинг ҳаёти ҳақида эшитгансиз. Агар ёдингизда бўлса, сеvimли ёзувчимизнинг онаси ҳам фаррош эди. Марҳум ёзувчимиз ўз хотираларининг бирида онаси билан мактабга боришини ва доим дастёр бўлишга интилишини ёзган эди. Онаси Ҳақима аянинг тўғри тарбияси ва ҳалоллиги сабабли Ўткир Ҳошимов ўзбек адабиётининг

буюк намоёнчасига айланди. Ижодкор бўлиб улғайди. Менинг назаримда ҳалол инсон ҳамisha фарзандларини юксак маданият ва енгилмас ирода билан тарбиялайди. Ҳар сафар туман марказига йўлим тушса, "Билимдонлар маскани" олдидан ўтаман. Маскан атрофида бир гуруҳ аёлларнинг кўча супураётганига гувоҳ бўламан. Улар ҳам мени таниб қолишган. Доимо кулиб қарайдиган бу самимий холаларимга кўч-куват ва соғлиқ тилаб кутубхонага ўтиб кетаман. Кўчада писта чақиб, ерга ташлаётган ёшларни кўрсам, ўша маскандаги холалар ва уларнинг меҳнати кўз ўнгимда намоён бўлади. Улар ҳар сафар "Болам, қачон бизни газетга ёзиб чиқасан?", деб сўрашади. Ҳозир эса, ўша самимий фикрларни қоралаётганимдан қувончдаман. Агар эътибор берган бўлсангиз, ободонлаштириш ходимларини ҳам, фаррошларни ҳам эътироф этишга ҳаракат қилман. Ахир шундай меҳнаткаш инсонларни эътироф қилмай бўладими...

## БИР-БИРИНИ СОТИШГА ТАЙЁР ИНСОНЛАР



Оламни фақатгина ҳалол меҳнат ҳамда ҳаракат билангина мунавар қилиш мумкин. Аслиятда ҳам меҳнат инсоннинг зийнати ва кўрки ҳисобланади. Пешонасидан терлар чиққан инсонгина асл меҳнат қандай бўлишини англайди. Дунёда бири-бирига нафрат найзаларини сочишга тайёр нодонлар кам дейсизми? Бу нафрат, қабоҳат, гина, урушларнинг ҳаммаси инсонларнинг меҳнатдан, самимиятдан ва оқибатдан йироқлашиб бораётганининг махсус саналади. Менсимаслик деган сўзни эшитганим-

да қаҳрим келади. Ахир барчамиз ҳам инсонмиз, ҳаммада юрак битта. Нимага яна бир-биримиздан устун бўлишга ҳаракат қиламиз? Агар инсоният шу саволга жавоб топа олса, виждони олдида поклана олади. Шунини яна таъкидлайманки, дунёдаги энг савобли, энг покиза ва яхши касб бу озодалик соҳасининг вакиллариники. Улар борки атрофимиз озода, улар борки янаётган гуллар кўргангизда "салом бериб" туради. Улар борки, масканлар обод, диллар эса шод бўлади.

# Menga OTA kerak!

uning mehri, tafti va muhabbati zarur



Хеч нарсдан кам бўлмай улғайдик. Уйимизда ҳамма нарса етарли. Мен холам билан бирга яшайман. Онам эса 11 йилдан буён Россияда. Икки йилда бир ёки, тўрт йилда бир келиб туради. Мен нафақат она, балки ота меҳрини, унинг эркалаши-ю, иссиқ кучоғини қўқсайман. Тунлари мижжа қўқмай йиғлаб чиқаман. Оилада 2 фарзандимиз. Опам ва мен.

Ҳамма уйда оталар ишлашса, бизнинг уйда онам ишларди. Қийналиб яшардик. Бир куни йўлқирамиз қолмагани учун ҳатто боғчамдан уйга бир соат яёв келганмиз. Онам кўчада писта сотар, отам эса уйда писта қовуриб турардилар. Аёл совуқда туриб писта сотса-ю, ўзини эркак деб ҳисоблайдиган шахс, уйда аёлни вазифасини бажарса. Совуқда кўп қолганликлари учун онам тез-тез бетоб бўлиб қолар эди. Ёшим бешда бўлса ҳам, гуёки ақлим ҳамма нарсага етар эди.

Бу тахлит яшашга кўника олманган онам, отам билан ажрашди. Энг ажабланарлиси, отам бунга қаршилик кўрсатмади ҳам. Бир куни онам бизни кўшнимизникига олиб чиқди ва ўша

ерда ухладик. (Онам ўша куни Россияга пул топишга кетган экан. Бизни холамга ташлаб кетмоқчи бўлганида улар ҳар ой катта пул жўнатишини сўраган экан. Шунинг учун онам бизни кўшнимизга ташаб кетибди.) Тонг отди. Не кўз билан қарай, онам ёнимда йўқ эди, шунчалар йиғлардимки, тасаввуримда онам бизни ташлаб кетди ва энди қайтмайдигандек гўё...

Вақт ўтиб бунга кўникдик. Опам мактабга, мен эса боғчага борардим. Аммо кўшнимиз ўз фарзандларини боғчага олиб борар, эркалаб гапирарди, бизга эса ҳаттоки, кулиб ҳам қарамасди. Бизга бераётган нон, тузини ҳар соатда эсла-тиб турарди. Ахир онам кўшнимизга ҳар ой пул жўнатиб туради-ку... Холамининг виждони

уйғонгани билмадим, бизни бу зулматдан олиб кетдилар. Мактаб бошланганида барча ўқувчилар ота – оналари билан бирга келишса, мени холам олиб келарди. Вақт ўтиши билан инсонлар ҳам ўзгариб борар экан. Синфдошларим аста – секин мени сафидан чиқариб, ажратиб қўйишди. Яхши ҳамки яқин дугонам – Мафтуна бор. У ёлғизлатиб қўймади, мени ҳаммадан ҳимоя қилиб, қийналганимда доим ёрдам берарди. Холамининг ўғли Отабек 3 ёш кичик бўлса-да, мени фақат беҳурмат қиларди. Холамининг ҳам менга муносабати яхши эмас эди. Уларга ҳаттоки, эркаланиб ҳам гапиролмасдим. Агар гап қайтаргудек бўлсам, катта можаро келиб чиқарди. Буларни ҳеч кимга айттолмасдим. Чунки кимгадир айтадиган бўлсам ҳам, барибир калтак ўзимнинг бошимда синарди. Жимгина дардимни ичимга ўтиб яшардим.

Истардимки, мен билан ҳам кимдир дилдан суҳбатлашса, “қизим” деб бошимни силаса, эркалатса. Менга бундан ортиқ ҳеч нима керак эмас! Кечалари йиғлаб чиқаман. Йиғлаганим эшитилмасин деб, ёстиқ билан оғзимни маҳкам ёпиб оламан. Ҳаётим машаққатлигидан ўзимга ачинаб кетаман. Мурғак қалбимда шунчалар катта дард борки, уни юрагимдан олиб ташлолмайман... Дадам ҳозир

катта корхонада иш бошқарувчи бўлиб ишлайди. Онам билан ажрашганларидан сўнг бошқа аёлга уйлانган. Бундан хабар топангидан сўнг отамдан шунчалик нафратланиб кетдимки... Балки ўша аёлни биздан устун кўргандирлар, балки у аёлга уйланиш мақсадида онам билан ажрашганмикан? Дадам онам Россияга кетганларидан кейин бизни анча эсламади. Яқинда бизни шахарга олиб бориб, кийимлар олиб берди. Лекин менга бу керакми? Менга ота керак. Унинг меҳри, тафти ва муҳаббати зарур.

Корейс тилини мукаммал ўрганиш учун ўқув марказига бордим. Биринчи дарс мен билан танишув бўлди. Корейс тилида ўзим ҳақимдаги барча маълумотларни батафсил гапириб бердим. Дадам йўқлигини, онам Россияда ишлашини, мен холамининг уйда яшашини ҳам айтдим. Дарс тугаб, кўчага чиқсам, гуруҳимиздаги қизлар туришган экан. Улар менга қараб устимдан кулгандек бўлиб: “Сенинг даданг йўқми, етиммисан? Биз дадаси йўқ қизлар билан дугона бўлмаймиз” дейишди. Бу гапларни эшитиб, ўзимни ёмон ҳис қилдим. Шунчалик таҳликада эдимки, тилим айланмай қолди. Нега баъзилар отам йўқлигини билишса, одам ўрнида кўришмайди.

Ахир онам бор-ку! Ушбу воқеадан кейин бошқа ўқув курсига ўтдим. У ерда муҳит батамом ўзгача, барча ўқувчилар бир-бирларига яхши муомала



## МА'RUZA TINGLAYOTGAN SHAQALOQ

Америкалик коллеж талабаси ноқулай вазиятга тушиб қолди. Ёш она ёллаган энага тўсатдан энди унинг боласига қарай олмаслигини маълум қилди. Бироқ, боланинг онаси сессия арафасидаги муҳим маърузаларни ўтказиб юбора олмас эди. Умидсизликка тушган талаба ўз муаммоси ҳақида профессорга ёзди. Кутилмаганда профессор чақалоқ билан дарсга келиши мумкинлигини айтди.

Талаба аудиторияга кириб келганида, ўқитувчи Рамата Сиссе болани унга беришини сўради. Профессор бир бўлак матодан боғич ясади ва болани орқасига боғлаб олди. “Африкада биз худди шундай қилар эдик, – деди Малида тузилган профессор. – Боринг, маърузани ёзинг”.

Профессор уч соат давомидан унинг елкасига осиб олинган мато ичида ширин уйкуга кетган чақалоқ билан маъруза қилди. Кўп ўтмай раҳмдил профессорнинг фото-

қилишаётганлари мени ўзига жалб қилди. Ва ушбу ўқув марказида ўқишимни давом эттирдим. Ҳозирда эса корейс тили курсини тамомлаганман. Ушбу тилда бемалол гаплаша оламан. Олдимга биргина мақсад қўйганман. У ҳам бўлса мактабни битириб, Кореега ўқишга кетишдир. У ерда иш фоллятимни олиб бориш ниятим бор....


Опам болалигидан расм чизади. Шаҳримиздаги 2-сонли Муסיқа ва санъат мактабида ўқиб, кўплаб ютуқларга эришди. 9-синфни якунлашганидан сўнг Тошкентга Санъат коллежига ўқишга кирди. Ҳозир 2 босқичда ўқимоқда. Мен улар билан фахрланаман! Онам ёзда Россиядан келдилар. Шунақанги хурсанд бўлдимки, бахтиёрлигимдан йиғлаб юбордим. Уларни жуда соғинган эдим. Кўришим билан бағрига отилдим ва маҳкам кучоқлаб олдим. Ўша пайтда мендан бахтиёр инсон йўқ эди, гўё. Баралла “Онам келдилар” деб бақиргим келди...

Онам мени, опамни ва икки холамини Россияга олиб кетдилар. У ерни айланмик, кемаларга чиқдик, муҳими онам билан бирга бўлдик. Август ойининг охирида уйга қайдик. Саёҳатимизнинг энг ажойиб ва ҳайратланарли қисми бу самолётда парвоз қилиш бўлди. Уч ой ичида мен билан юз берган қувончли воқеалар хотирамда абадий сақланиб қолади...

Шундай ҳаётда яшаганимдан бахтиёрман. Тўғри, онам, опам мендан анча йироқдалар. Лекин хаёлан худдики, улар билан биргаман. Холам, унинг ўғли кўнглимни кўп огритишади, балки бунинг ҳаммаси яхшиликкадир. Нима бўлса ҳам уларга раҳмат айтаман. Агар бизни холам кўшнимизнинг қўлидан олиб кетмаганларида балки, меҳрибонлик уйда бўлармик... Ҳаётда қўлинидан келса ҳаммага яхшилик қилинг. Шуни унутмангки: “Бу дунёга шундай келганимиз айбимиз эмас, бу дунёдан шундайлигимизча ўтиб кетишимиз катта айбимиздир”. Юрагингиз яқинларингизни кўмсар, лекин, улар сизнинг олдингизда, сизнинг хатти-ҳаракатларингизни кузатиб турибди. Буни шунчаки илғамасиз, холос...


Билингки, кичик бир хато, фарзандингиз учун тасаввур қилмас даражада воқеаларни вужудга келтиради. Улар сизнинг айбингиз учун жазо олишади. Улар ҳам ота ёки она меҳрини, табасумини, эркалашдан тортиб даққи беришгача исташади. Ҳамма нарсаси етарли бўлса – юлдиларида сунган тоғлари бўлмаса улар учун яшайдан фойда йўқ. Сиз бахтлидирсиз, лекин фарзандингиз, тунлари мижжа қўқмай, кўз ёш тўқиб чиқади. Тонг отди дегунча ойнага термулади ёки сизни қайтишингизни кутади. Болага фақатгина бир нарса керак, у ҳам бўлса меҳр. Фарзандингиз сизни интизорлик билан кутмоқда... Бир нарсани ёдда тутинг, сизнинг айбингиз учун фарзандингиз айбдор эмас!!!

Фарангизнинг сўзларини  
Нигора ОРИФЖОНОВА оққа  
қўчирди.



# SINOVLARI KO'P DUNYO...

**Ф**айласуфлардан бири ҳаётда йиқилганида ўрнidan туриб, яшашда давом этадиган одам бахтли ва ғолиб деганида нақадар ҳақ бўлган. Таҳририятга мактуб йўллаган мухлисларимиз ҳам муаммолари сабаб бошларини қай деворга уришни билмай турган ёшлар. Уларнинг муаммоларини ечиш, йўл топиш мақсадида психолог Алишер **ХОЛИҚОВ** тавсияларига қулоқ тутдик.



## ФАРЗАНДИМНИ ЙЎҚОТИШНИ ИСТАМАЙМАН!

Қизим 20 ёшга тўлди. У билан бундан уч йил олдин бир воқеа сабаб хафалашиб қолгандик. Ушанда қизим холасиникига меҳмонга кетганди. Шу кун синглимнинг уйдан пул йўқолибди. Эртаси кун синглим меникига келиб, қизинг пулимни ўғирлабди, деди. Қизим мактабда эди, синглим билан унинг хонасига кириб, тортмадан пул топиб олди. Қизим мактабдан келгач, опа-сингил уни ўғирликда айблаб, танбех бердик. Шундан бери қизим мен билан тайинли гаплашмайди. "Менга тўхмат қилганингиз учун, сизни ҳеч қачон кечирмайман", дейди. Мен уни ноҳақ ўғирликда айблаганимни кейинроқ билдим. Тортмадаги пул сингил хонасига ҳаво совуткич (кондиционер) олиш учун сингилдошларидан йўғилган пул экан. Унинг кўнглини қандай илитсам бўлади? Фарзандимни йўқотишни истамайман. Маслаҳатингизга муҳтожман.

Дилфуза,  
Хоразм вилояти.

## МИННАТЛАРДАН ТЎЙИБ КЕТДИМ

Яқинда 20 ёшга тўламан. Бир марта дадам буюрган ишни қилмасдан ухлаб қолганим учун дадам мени роса дўппослади. Шундан сўнг руҳий тўшқунликка тушиб қолдим, анча даволандим. Маҳалладагилар мени ақлдан оздига чиқаришди...


Институтга кирмоқчи бўлиб анча тайёрландим, аммо омадим чопмади. Мен сизга соғиб сўтини сотиб йўлқирага, баъзида репетиторга ишлатардим. Ота-онамдан камроқ пул олишга ҳаракат қилардим. Уқийса кирсам ҳаммаси яхши бўлиб кетади, деб бир олам орзулар ичида яшаётган эдим. Тест жавоблари эълон қилиниб, талаба бўлолмаганим ойдинлашгач, репетиторга кетказган пулларни жойига қайтар, деб ота-онам ҳар кун миннат қила бошлашди. Миннатларидан тўйиб кетдим. Баъзида шу уйдан бош олиб кетгим келади. Мен қандай қилиб ўша пулларни қайтариш тўғрисида ўйлаяман...

Камола,  
Сирдарё вилояти.

## ҲЕЧ КИМГА КЕРАК ЭМАСМАН

Ёшим 13 да. Ота-онам болалигимда ажрашиб кетишган. Мен онам билан қолганман. Турмуши бузилганидан кейин онамнинг ҳаётида бегона эркаклар пайдо бўла бошлади. Баъзи пайтлар унинг ишқий муносабатларини сөзиб қолганман, аммо онам мени ёш бола деб эътибор қилмаган. Болалигимда онам мени кўп калтаклар эди. Кечаси сув ичгим келса, ҳожатга чиққим келганини oilavajamiat@mail.ru

айтсам балога қолардим. Кўчада узокроқ қолиб кетсам кўни кўшининг олдида мени уйгача уриб олиб келарди. Тирик етимлигимни ҳам кўп бора юзимга солган. Ҳозир онам ҳам мени ташлаб чет элга ишлашга кетган. Бувим, бобом, тоғамнинг хотини билан бирга қолганман. Биров билан сирлашгим келган пайтлари яқин одам топа олмайман. Бувим мени тўшунмайди, салга жеркиб беради. Кўп хаёл сурганим сабаб мактабда



ҳам ўқитувчимиздан дакки зўштаман. Она меҳрини кўмсайман, лекин онамни кўришни ҳам истамайман. Керак пайтда мени ташлаб қўйибди. Баъзида ўз ўзимдан бақариб йўғлагим келади. Хаёлимга ёмон фикр-ўйлар келади. Яшайдан тўйиб кетаман. Ахир мен ҳеч кимга керак эмасман. Лекин яшагим келади. Аммо қандай қилиб?...

Севинч,  
Қашқадарё вилояти.

## ЕТИМЧАНГИ ОЛИБ, КЎЗИМИЗДАН ЙЎҚОЛ!

Баъзида салгина нотўғри иш қилиб қўйсам, атрофдагиларнинг: "Ота тарбиясини олмаган-да", деган кесатиқлари қулоғимга чалинади, дилим оғрийди. Ота-онам ажрашиб кетишган. Мен онам билан қолганман. Мени шу даражага етказгунча онам кўп қийналди. Оиламизда жанжал чиққан пайтлари тоғалирим онамга "етимчангни олиб, кўзимиздан йўқол!" деган пайтлари ҳам бўлган. Онам иккаламиз ўз уйимиз бўлишини, беминнат яшашни истардик. 5 йил олдин онам чет элга ишлашга кетди. Уша ерда бир яхши инсонни учратиб, мендан маслаҳат сўраганларида

онамнинг турмушга чиқишларига розилик бердим. Онам мени ҳам олиб кетишларини айтдилар, турмуш ўртоғи ҳам мени ўз фарзандидай кўришини кўп айтади. Мен эса тоғам билан қолишни афзал кўрдим. Аммо баъзида онамнинг турмушга чиққанини юзимга солишади. Қариндошларим агар мен онамга керак бўлсам, мени ташлаб кетмаслиги зарурлигини таъкидлашади. Уйдаги муаммоларни онамга билдирмасликка ҳаракат қиламан. Бундай аросатда яшайдан чарчадим. Қандай йўл тутсам экан?

Баҳодир, 19 ёш.

## МУАММОНИНГ САБАБИ – ХАФАЛИҚДА

Мен маслаҳат беришдан ироқман. Чунки психолог маслаҳат бермайди, у инсоннинг ўз-ўзини англаб етишига ёрдам беради. Ўзини енгишни ўргатади. Маслаҳат бериш, бу бошқа инсоннинг ҳаётини бўйнига олиш. Бунақа қилинг, бунақа қилманг, десам мен айбдор бўлиб қоламан. Ҳар кимнинг ўз ҳаёти бор. Одам ўзини кечира олиши, бўлиб

си берилган. Биз ўша энергияни тўғри сарфлашни ўрганишимиз керак. Баъзи маълумотларга қараганда, инсонлар ўзларига берилган энергияни 30 фоиз ўтган замонга, 30 фоиз ҳозирги ва 40 фоиз келаси замонга сарфлашади. Аслида эса 20 фоиз энергиямизни ўтмишга (яхши хотиралар, керакли билимлар учун), 20 фоизини келажакка (ширин орзулар учун) 60 фоизини эса бугунги кунимизга сарфлашимиз, мақсадга мувофиқ. Умримиз давомда доимий равишда ривожланишга интиламиз. Бунда бизга ўтган замонда олган билим ва тажрибаларимиз ёрдам беради. Аммо ўтмишда бўлиб ўтган ёмон нарсаларни эслаб юриш, бирор нарсдан афсусланиш бефойда.

Дилфузани оладиган бўлсак, у кизига ёмон маънода гапирмаган. У фарзандини ёмон инсон бўлишини хоҳламаган, аммо ўз истганини тўғри тушунтира олмаган. Шу сабабли ўзаро зиддият келиб чиққан. Аслида биз ҳаммамиз ҳар кун стрессга дуч келамиз, ана шу стресслар йиғилиб инсоннинг депрессияга тушишига сабаб бўлади. Бу кизимиз депрессияга тушган. Чунки яқинлари уни ўғирликда айблаганини ҳеч кимга айта олмайди. Лекин ёшларимизнинг стрессга тушишига бошқа сабаблар ҳам бор. Ота-оналар баъзида пулни биринчи ўринга қўяди, фарзандлари билан нима содир бўлаётганлигига эътибор беришмайди. Бундай ҳолатларда яхши бир психолог топиб, ҳар ким ўзининг муаммосини айтиб берса, анча енгли тортади.

Тажрибам давомда кўп кузатганман. Болалар касал бўлишни яхши кўришади. Чунки ўша пайтда ота ёки она фарзандига эътиборлироқ бўлади, меҳрибонлар кўпаяди, кўнглига қарашади. Оилада ҳамма нарсани меъёрида бажариш, фарзанд тарбиясига ота ҳам, она ҳам вақт ажратishi, фарзандларини қийнаётган муаммолар билан қизиқишлари зарур. Агар шундай қилинса, муаммо келиб чиқмайди.

Баҳодирни оладиган бўлсак, гарчи у онасидан хафа бўлмаса-да, ўсмир пайтида она меҳрини кўмсагандир. Кўнглидаги бушлиқ бугун атрофдагилардан хафа бўлишига сабабчи бўлаётгандир. Чунки ҳеч ким ота-она ўрнини боса олмайди.

Камола исмли кизимизнинг айтишича, уни отаси калтаклаган. Берган пулини миннат қилибди. Шу ўринда ота-оналарга айтиб ўтмоқчиман. Сизларнинг болани қийнашга, унга кўпол муносабатда бўлишга умуман ҳақингиз йўқ. Чунки фарзанд сизнинг хоҳингиз билан дунёга келди. Унга мулкка қарагандай қарамаслигингиз керак.

Севинч билан боғлиқ муаммо анча мураккаб. Фарзандни дунёга келтиргандан кейин уни тарбиялаш, ҳаётда ўз ўрнини топишига ёрдам бериш – бу ота-онанинг бурчи. Болага яхши маслаҳатчи инсон лозим. Қиз болага она тарбияси жуда муҳим. Керак бўлса ота-онани фарзандини калтаклагани учун, унга руҳий таъсир қилгани учун жазолаш керак. Ана шундагина ота-оналар фарзанди хоҳишлари билан ҳисоблашади.

Одам ўзини ҳурмат қилиши, севиши керак. Чунки ўзида йўқ нарсани бировга бериб бўлмайди. Ота-она ўзини сева, фарзандини сева олади. Севиш бу инсонни борлигича қабул қила олиш. Керак бўлса ота-оналарни ўқитиш, уларга психологик билим бериш керак. Ана шунда бу каби муаммолар камаярмиди.

Саҳифани Мадина  
АЛЛАБЕРГАНОВА тайёрлади.

Меҳмонлар тадориги билан шошиб юрган Бурхон кўлида ток қайчи, нарвончада туриб ишқомларни тўғрилаётган отасини кўрганда асабийлашди.

— Бу нима деган гап-а, ота. Бугунча қўйсангизчи шу ишларингизни! Ахир Ғозиев келяпти!

— Ким? — тападан ўғлига ажабланиб термулди отаси.

— Ғо-зи-ев! Бошлигим!

— Нима, Ғозиевнинг ток кўрмаганими? Ё ток қайчи ушлаган одамдан кўрақадими у?

— Эй, боринг-ей... — Бурхон нари кетди. Сўнг пешайвоннинг очиқ деразасига бош суқиб, неварасини ўйнатиб ўтирган онасига шипшиди:

— Ая, алдаб-сулдаб чақиринг қайсар бобойингизни! Меҳмонлар ҳам йўлга чиққандир! — онаси жойидан кўзгалавергач, овозини янада пастлатиб кўшиб кўйди: — Айтгандай, ая, тагин ўзингиз кўз-қулоқ бўлинг. Отам ҳадеб ҳовлида айланиб Ғозиевнинг олдида одамни хижолатга қўямасин. Айниқса, кириб ўтирмасин олдимизга...

Она ўғлига норози боқди:

— Кирса нима қилибди, ўғлим? Қайтанга сизларга насиҳат беради, гурунларингни қизитади-да... Эс-хуши жойида бўлса.

— Сиз нимани билардингиз, ая! — Бурхон йиғламоқдан бери бўлди. — Ғозиев насиҳат эшитадиган одамми сизга?! Ғо-о-озиев-а?! Унинг ўзи валламет инсон-ку! Ундан кейин отам бир гапга тушса тўхтатиб бўлмайди... Бас, чақиринг, ичкарига кирсинлар.

Ғудрана-ғудрана онасининг олдидан узоқлашаркан, ошхонада пишир-қуйдир қилаётган хотинига-да ўширди:

— Лоба-ар!

Эрининг тергайверишларидан хуноб бўлган шекилли, хотини ҳам асабий жавоб берди:

— Хаа-а!

Бурхоннинг дами ичига тушди. Капгир кўтариб турган аёлига бироз термулиб тургач:

— Тезлаштиринг аяси, тезлаштиринг... — деди секин. — Ғозиев... Келиб қоладилар...

\*\*\*

Бироздан кейин уч-тўрт кишидан иборат меҳмонлар келиб булғач, тўқин дастурхон атрофида суҳбат қизирди. Шу пайт тўрда ўтирган Ғозиев:

— Бурхон, — деб мурожаат қилиб қолди мезбонга, — Боя ховлингида кексароқ бир кишига кўзим тушди, ким бўладилар у киши?

— Ҳалиги... Оқ яқтадаги бобойми?... — худди айб иш қилиб қўйгандек тайсаллади у.

— У ха ҳа, ўша киши.

— У киши... отам.

Бошлиғи Бурхоннинг ўзини тутишдан ҳайрон эди.

— Нега отангиз бўлса бизни таништирайсиз? — сўради Ғозиев ҳайратини яширолмай. — Нуроний киши экан, чақиринг, бир суҳбатини олайлик...

# Izza



Бурхон бунақа бўлишини кутмаганди. У "хўп-хўп", деб меҳмонлар ёнidan чиқди-ю, шошиб ота-онаси ва хотини ўтирган хонага кириб борди.

— Ота, — деди илтижо билан. — Юринг, сизни Ғозиев сўраяпти.

— Ия, — қош чимирди отаси. — Бошлиқ сенки бўлса, нега мени сўрайди? Чақир, ўзи келаверсин.

Унга боқиб онаси ва хотини "пиқ-пиқ" кулар, Бурхон ожизлигидан отасига ювош бир ҳолатда жавдираб турарди.

— Жоо-он, ота! — ниҳоят ялинишга тушди у. — Шарманда қилманг мени. Шу бугунча қўйиб турунг қайсарлигингизни, илтимос сиздан...

\*\*\*

Бурхоннинг отаси билан ҳамма кўшқўллаб кўришиди, бошлиғи Ғозиев эса кучоқ очди. Отани бағрига босиб, негадир узоқ туриб қолди. Дастурхон тўридаги ўзи ўтирган жойни бўшапти бераркан, отанинг елкаларидан силаб кўйди. Ғозиевдаги бу енгил ҳаяжон ҳаммага сезилиб турарди.

Энди суҳбатда аввалгидек бақир-чақир, қийқириқ йўқ, аммо кулгу ҳамон таралиб турар, мамнуният барчанинг юз-кўзидан билинар эди.

— Отахон, — мурожаат қилиб қолди бир маҳал Ғозиев. — Мана, кўпни кўрган одамсиз. Аввалги шароитларни ўзингиз биласиз. Одамларни устидан дори сочишиб, эҳ-ҳее... Кимдир очнаҳор... Чақалоқлар эгзатда туғилади. Касал бўлса даволанишга шароит йўқ эди... Лекин нимагадир одамлар ҳозир аввалгидақа соғлом эмасдай, дейманда. Олимлар экология бузилган дейди, Сиз нима дейсиз шунга, а?

— Болам, боиси илгари одамлар соддароқ бўлишган-да... — отахон даврадагиларнинг кайфиятига монанд жилмайиб жавоб қилганди. — Кўнгли тоза бўлган, қорни тўйиб овқатланса

**— Дарвоқе, жон укам, бундан кейин ўз отангизни "бобой" демасдан, "ота" десангиз яхшироқ бўларди. "Ота" дейишнинг, "отажон" дейишликнинг бахтини, сурурини отаси борлар англамайди. Буни отаси йўқлардан сўранг, укажон... Ота-она ҳам бир давлат экан.**

шунга хурсанд бўлиб кетаверган. Беорроқ десаммикин, бейроқ деб тушунтирсаммикин, сенга... Масалан, машинам атиги битта, шуни учта қилай, ҳа демай бола-чақаларим улғайса уйга сизга қоламан, кўша-қўша участка солиб қўяй, демаган. Ҳозир муштдай бола билан суҳбатлашсанг ҳам ташвиши олам-жаҳон... — сўнгра кула-кула кўшиб кўйди у. — Иннанкейин, илгарилари ҳа деса касал бўлдим, деб таблетка-маблеткага ёпишиб ҳам бўлмаган. Тунов кунни қизимникига борсам, тўққиз яшар ўғилчаси дори қутини ёнига қўйиб, обдоо-он дори саралаб ичяпти. "Мана бу бош оғриққа", "мана бу ич оғриққа" деб. Номларини дилбузардаги рекламадан кўрган-да!

Отахоннинг содда жавобидан даврадагилар завқланиб кулишди. Айниқса, Бурхоннинг ўзи маза қилиб куларди. Ғозиев қаҳқаҳаданми, ҳаяжонданми ёшланган кўзларини арта-арта, тагин сўради.

— Одамзот неча ёшида қариганини билар экан, отажон?

— Эй, болам, одамзотнинг ўзидан сўрасанг ҳеч қачон қаридим, демас экан, — қўлини ҳаволатди ота. — Бугун бир ишга кучи етмай қолса, чарчаган бўлишайман, эртага бажараман, дер экан. Эртага ҳам қурби етмаса, белим

тузалсин, индинига бажараман, дер экан. Аммо сира "қарибман" демас экан. Бурхон ўрнидан туриб кетди.

— Менга қаранглар, лекин-чи, — деди худди жуда доно бир гап айтмоқчидай жўшиб. — Баъзан бу меҳнат дегани одамни ёшартирадимикан, деб ўйлаб қоламан! Мана, уйда ток қирқиш борми, ер чопишми, ҳозир ҳаммасини бобой ўзи бажаради. Вей, студла ўтириб ишлаб мен йилига икки марта даволанаман, бобой эса бирор марта даволанай ёмайдилар-а! Ҳа-ҳа-ҳа!..

Ҳамманинг кайфияти кўтаринки, Бурхоннинг гапини ҳангома қилиб кулишарди. Биргина Ғозиев бошини эгиб, дастурхонга тикилиб, мутаассир бўлиб қолди...

\*\*\*

Фотиҳа ўқилди, меҳмонлар уйига тарқала бошлади. Ғозиев эса отани тагин бағрига босиб, қўлларини қўймасдан ҳали яна кўп келишини, у киши билан кўп-кўп суҳбатлашиш орзусида эканини айтди. Ғозиевнинг бундай кўнглига яқин олишидан Бурхон жуда хурсанд эди...

Кетиш олди Ғозиев мезбонни ўз машинаси томон бошлади.

— Бурхон жон, аввало меҳмондорчилик учун раҳмат, — деди оҳиста, кўнглига ботмайдиган майинлик билан. — Отангиз жуда табаррук инсон экан, у кишини авайланг. Меҳнат ёшартираркан, деб уй ишларини қўлга топшириб қўяверманг-да, иним. Ярим кун иш бўлса, деярли ярим кун бўйсиз, бундай ишларни ўзингиз бажаринг. Қолаверса, мен йилига икки марта даволанаман, отам даволанмайди, деб ўтирмай сизга ҳақларга жўнатинг... Мана, кексалар учун давлатимиз шунча имконият яратиб беряпти... Бирор хизмат ё ёрдам керак бўлса, айтинг, ука, биз тайёр, — қўлини кўксига босди у.

— Майли Бурхонжон, раҳмат яна бир марта. Биз борайлик...

Шу гапларни айтиб машинасига ўтирган Ғозиев, эшикни ёпмасдан ёнига насида қўл қовуштириб турган Бурхонга яна бир бор қаради.

— Дарвоқе, жон укам, бундан кейин ўз отангизни "бобой" демасдан, "ота" десангиз яхшироқ бўларди. "Ота" дейишнинг, "отажон" дейишликнинг бахтини, сурурини, отаси борлар англамайди. Буни отаси йўқлардан сўранг, укажон... Ота-она ҳам бир давлат экан. Шундай давлат экани, бир марта бой берсангиз қайтиб келмас экан. Ҳозир отам ёнимда бўлса ундай қилардим, ҳозир онам ёнимда бўлса бундай қилардим, деган армон билан қолавераркансиз, мунгайиб...

Машина эшигини ёпаётганда Ғозиевнинг кўзларидан икки томчи ёш бор эди. Бурхон ҳангу-манг бўлиб қолди. У бир уйи тарафга, бир олислашиб бораётган Ғозиевнинг машинасига эсанбарди тикилар экан, жисми зил-замбил, оёқлари гўё ерга ёпишиб қолгандай эди...

**Б. ҚҮЛДОШЕВ**

## NURONIYLAR DOIM EL ARDOG'IDA



Мамлакатимизда кексаларни кўллаб-қувватлаш, уларнинг саломатликларини муҳофаза этиш, нуносив дам олиш шароитларини яратиш мақсадида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Кексаларни эъзозлаш, хурмат-эҳтиром кўрсатиш халқимизга хос энг яхши фазилатлардан биридир. Фидойилик билан эл-юртга хизмат қилган инсонларнинг тажрибаларидан фойдаланиш, ҳаётга тadbик этиш, ёшларга йўл-йўриқ ва маслаҳатлар беришда нурунийлар ибрати муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу борада Тошкент шаҳар Сергели туманида ҳам бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, яқинда "Маданият" маҳалласида нурунийлар ўртасида спорт мусобақалари ўтказилди. Унда иштирок этган маҳалла аҳли, туман нурунийлари спортнинг волейбол, футбол, шахмат ва теннис турлари бўйича беллашиб, куч ва имкониятларини синаб кўрдилар. Даставвал кексалар тетиклаштирувчи бадантарбия машқларига жалб этилди. Кейин гуруҳларга бўлиниб, мусобақаларни бошлашди. Футбол майдонидан бўлган уйинда, томонлар таркибидаги қатнашчилар нуруний отахонлар бўлишларига қарамай, ёш-

ларга хос чаққонлик билан тўп суришиб, мухлисларнинг олқишларига сазовор бўлдилар. Волейбол, теннис уйинлари ҳам томошабинларга завқ бағишлади.

Тадбир сўнггида мусобақанинг фаол қатнашчиларига Экология партиясининг фахрий ёрликлари ва совгалари топширилди. Бундай спорт тадбирлари туманнинг бошқа маҳаллаларида ҳам ташкил этилиши режалаштирилди.

**Аҳмаджон АБДУРАҲМОНОВ,**  
"Маданият" маҳалласи  
Нурунийлар кенгаши  
раиси.

# GASTRITNI DAVOLAMASA HAM BO'LADIMI?

**А**йрим мутахассисларнинг фикрича, гастритнинг энгил тури деярли ҳаммада бўлар, гастрит белгилари камида ҳар икки одамнинг бирида учраб экан. Мазкур касаллик катталарга ҳам, болаларга ҳам ҳужум қилади, зеро соғлом ҳаёт тарзи ва тўғри овқатланиш ҳам соғлом ошқозон кафолати бўла олмайди. Саломатлик саҳифасида Тошкент шаҳар ўсмирлар диспансери гастроэнтеролог шифокори Раъно Беғалиева билан гастрит касалликлари ҳақида суҳбатлашамиз.



## ГАСТРИТ НИМА?

Гастрит бу – меъда шиллик қаватининг яллиғланиши бўлиб кўпинча ошқозон ҳаракат фаолиятининг издан чиқиши билан бирга кечади. Нотўғри овқатланиш, спиртли ичимликларга ружу қўйиш, аччиқ ва шўр нарсаларни мунтазам истеъмол қилиш, овқатдан заҳарланиш, билиб-билмасдан турли дорилар қабул қилиш, аллергия ёки *Helicobacter pylori* микроби сабабли касаллик юзага келади. Гастритнинг кечишига қараб


## ҚАНДАЙ БАРТАРАФ ЭТИШ МУМКИН?

Деярли ҳар қандай касалликни муваффақиятли даволаш гарови эрта ташхис қўйишдир. Касаллик белгиларини сезган заҳоти шифокор ҳузурига ёзилинг. Гастритдан халос бўламан десангиз, парҳезга риоя қилган ҳолда – жуда аччиқ ва иссиқ, ҳазми оғир таомлар, қаҳва, аччиқ дамланган чой, газли сув, спиртли ичимликлар, чекишдан тийилинг, руҳий изтиробларга йўл қўйманг. Шифокор тавсияларига амал қилинг. Касалликка асло бепарво бўлманг, акс ҳолда асоратлар келиб чиқиши мумкин. Бугунги замонавий тиббиёт даражаси касаллик ёки унинг қўзғатувчилари мавжуд ё йўқлигини тез ва аниқ белгилаш имконини беради. Пойтахтимиз ҳудудида жойлашган Тошкент шаҳар ўсмирлар диспансери ҳам айнан шу каби касалликларни бартараф этишда кўмак бера олади.



ўткир ва сурункали кўринишлари мавжуд. Ҳаёт тарзида тўш остида ноҳуш оғриқ сезилади, қорин дам бўлади, кўнгил айнайди. Кўпинча руҳий толиқиш, спиртли ичимликлар ва тамакининг зарарли таъсирида, шунингдек, айрим дориларни мунтазам пала-партиш ичиб юриш натижасида ҳам вужудга келиши мумкин. Бемор тишларининг йўқлиги ёки касаллиги, муртак беши, ўт пуфаги, меъда ости безининг сурункали яллиғланиши ҳам касаллик авж олиши-

га олиб келади. Сурункали гастритнинг белгилари ҳам ўткир гастритга ўхшаш бўлади, лекин бунда касаллик тезда ўтиб кетмай узоқ чўзилади, кўпинча беморнинг ичи бузилади (дам ич кетади, дам қабзият кузатилади), тили қараш бойлайди. Касаллик зўриққанда унинг аломатлари авж олади. Сурункали гастрит вақт-вақти билан (бахор ва куз кезлари) кўзиб туриши мумкин



## Касаллик белгиларисиз ҳам кечиши мумкин(ми)?

Гастрит деярли белгиларисиз кечиши ҳам мумкин. Баъзида беморлар гастритни шикоятсиз ўтказишади. Унда оғриқли бўлмай, балки ич келиши билан боғлиқ муаммо бўлади (яъни касалликни шундан сезиш мумкин). Инсонлар бу касалликни билмаган ҳолда ўтказиб юборишлари сабабли ҳам кўп яра касалликларини олиб келмоқда. Яра касалликларини эса ўзингиз билгандек асоратлари талайгина.

Балиқ қилтаногли, майда суяклар ва металл маҳсулотлар билан ҳам ошқозон шиллик қавати шикастланиб, касаллик юзага келиши мумкин. Бу ўз навбатида ошқозон деворининг йирингли шикастланишига сабаб бўлади. Бунда касаллик ўткир бошланиб, иситмалаш, бадан увишиши, қориннинг юқори қисмида кучли оғриқ, кўнгил айниши, кўп марта йирингли қусиш кузатилади.

Гастритнинг сурункали тури билан кўпроқ 25-40 ва ундан катта ёшдаги кишилар, асосан, эрактлар касалланадилар. Мутахассисларнинг фикрича, Ер қуррасидаги балоғатга етган аҳолининг ярмидан кўпи мазкур касалликка чалинган, лекин улардан 10-15 фоизигина касалликдан шикоят қилиб, шифокорга мурожаат қиладилар

## Асосий беморлар – ўсмирлар

Бугунги гастрит беморларининг 60 фоизга яқини 15 ёшдан 24 ёшга бўлган ўсмирлардир. Гастрит касаллигининг ўсмирлар орасида кенг тарқалганлигига сабаб фарзандларимизнинг пала-партиш овқатланиши, шу билан бир қаторда жуда кўп миқдорда фастфудларни газли ва энергетик ичимликлар истеъмол қилиши бўлмоқда.

85 фоиздан орტიқ ҳолатларда *Helicobacter pylori* бактерияси сабабли гастрит ва ошқозон яраси ривожланади. *Helicobacter pylori* юқумли ҳисобланиб,

одамдан одамга асосан маиший йўл билан ўтади – аксарият ҳолатларда умумий овқатланиш идишлари орқали. Аммо нима учун бу бактерия баъзи кишиларга катта зиён етказиб, ҳатто саратонгача олиб келиши, бошқалари эса бутун ҳаёти давомида организмда бундай бактерия борлигини билмай ўтиши ҳақидаги савол очиклигича қолмоқда.

Гастроэнтерологияда шундай бир ташхис бор бўлиб, бу – медикаментоз (доривор) гастрит. У кўпинча ўзбошимча даволаниш асорати бўлади. Беморларнинг тахминан 20 фоизида касаллик шамоллашга қарши препаратлар, антибиотиклар, шифокор тавсиясисиз қабул қилинган оғриқ қолдирувчи ва тинчлантирувчи дори воситаларини узоқ вақт нотўғри қўллаш натижасида намоён бўлади. Бу ва бошқа баъзи дорилар ошқозон шиллик қаватида салбий таъсир кўрсатади.

## Ошқозон кайфиятинингизни сезади

Шуни алоҳида айтган бўлардимки, ҳар қандай стресс ҳолати соғлиқ учун зарар. Инсон доим тушқун кайфиятда юриб, депрессияни енга олмаса, организм касалликка қаршилик қила олмай, унда ретсидив ва салбий асоратлар кузатилади. Гастроэнтерологияда ҳатто алоҳида ташхис бор – асабийлик натижасида юзага келувчи гастрит. Инсон ўз ҳис-туйғуларини барқарор сақлаши муҳим: ишлаш суръатини камайтириш, дам олиш, кўнгил ёзишни ўрганиш ва салбий таъсирдан ҳимояланиш. Агар буларнинг уддасидан чиқа олмайётган бўлсангиз, гастритдан даволаниш жараёнида психотерапевт билан ҳам маслаҳатланинг.

## Саратонга олиб келиши мумкин

Бугунга келиб, сўнгги илмий кашфиётлар шарофати билан гастрит муваффақиятли даволанмоқда. Баъзи одамлар учун бу касаллик оғир асоратларга олиб келмаслиги мумкин. Агар ҳеч нима безовта қилмаса, ташхисга эътибор бермаслик мумкин, деб ҳисоблайдиганлар ҳам бор. Кўпчиликнинг касалликдан хабари ҳам бўлмай, одатий турмуш тарзида ашаб юраверди ҳатто. Буларнинг ҳаммаси гастритни даволаш шартмикан деган фикрни келтириб чиқаради. Аммо бундай ёндашув хавфли: ошқозон фаолияти бузилиши вақтида даволанмаса, унинг кўлами кенгайиб, ярага айланиши мумкин. Бундан ташқари, йиллар давомида ривожланувчи ошқозон касалликлари – бу онкологик касалликларга тўғридан-тўғри йўл дегани. Гастритни даволашдан воз кечиш қуйидаги касалликларни келтириб чиқариши мумкин: ошқозон-ичак яраси, панкреатит, қон кетиши, анемия, булбит ва охир-оқибат саратон. Ошқозон саратони ҳолатларининг 70-90 фоизи *Helicobacter pylori* билан зарарланиш ва ўз вақтида даволанмаслик натижасида бошланади. Шифокорлар агар ҳаётингиз ва саломатлигингизга бефарқ бўлмасангиз, гастритни, албатта, даволашни тавсия қилишади.

Аслида ҳар 6 ойда бир мартаба яъни баҳор ва куз фаслларида шифокор кўригидан ўтиш, саломатлик учун пойдевордир.

**“Оила ва жамият” муҳбири  
Василабону ҲАБИБУЛЛАЕВА  
ёзиб олди.**

# BO'LG'USI KELIN-KUYOVLAR INNOVATSION MAKTABIDA BIR KUN

Бухоро вилоятидаги "Оила" илмий-амалий марказида ташкил қилинган "Бўлғуси келин-куёвлар инновацион мактаби"да олиб борилаётган ўқув машғулотида лавҳа.



чегараланиб қолишмайди, балки ўзларининг телефонларига юклаб олган мобиль иловадан мунтазам равишда фойдаланишлари мумкин. Ушбу мобиль илова ўсмир ёшидан то турмушга чиқиш ёшига етгунга қадар қизлар учун тайёрланган бўлиб, унда берилган маълумотлар қизларни ҳаётга ва оилага тайёрлаш учун мўлжалланган. Ундан ташқари, ушбу мобиль иловада оилавий ҳаётга мос бўлган бадиий адабиётлардан тортиб илмий қўлланмаларгача жой олган. Масалан, ҳуқуқ, тиббиёт, ҳаётий сабоқларни мана шу қўлланма орқали йиллар давомида мустақамлаб боришлари мумкин бўлади. "Мустақам оилага йўлланма", "Оилада эркак бурчи ва масъулиятлари", "Ифбатли келин қайнона бахти" каби китоб шаклидаги қўлланмалар эса уларнинг мўъжаз кутубхонасидан жой олиши, шубҳасиз.

## ТУРМУШ МАШАҚҚАТЛАРИГА ҚАРШИ БИРГАЛИКДА КУРАШ!

"Турмуш ўртоғингизга бошқалардан шикоят қилманг", "Камхарж бўлинг, исрофгар бўлманг", "Турмуш ўртоғингизнинг яқинлари билан яхши муомалада бўлинг", "Ҳар қандай ҳолатда ҳам турмуш ўртоғингизга бўлган ишонччи йўқотманг", "Турмуш ўртоғингизнинг онасини ёмонламанг, туғилиб ўсган хонадонингиздаги шароит билан таққосламанг", каби интерфаол ўйинларда ёш келинларнинг оиладаги бурчи ҳақида тўлиқ маълумот берилган бўлса, "Айтганим айтган, деганим деган дея мутлақ ҳоким бўлманг", "Ҳар бир кишига меҳр-шафқат кўзи билан боқ", "Турмуш қурдингми, энди унинг икки-чичирларига бардош беришга бел боғла" каби психологик тренинглари орқали йигитлар ўзларига тегишли ҳаётий маслаҳат ва кўникмаларга эга бўлишди.

16 соатлик уч кунлик ўқшнинг охири қунида ёшларга сертификат берилди. Шу лаҳзаларда ёшларнинг кўзларига қарасангиз, уларнинг нигоҳларидан оила ҳақидаги тушунчалари бутунлай ўзгарганлигини англаш қийин эмас эди. Муҳими, улар оиланинг муқаддаслигини чуқурроқ англаб етишди. Биз ҳам бу ёшларга оилавий ҳаётларида тўқис бахт тиладик. Ва мана шундай мактаблар туфайли юртимизда бахтли оилалар сони ошишига яна бир бор амин бўлдик.

**Барно СУЛТОНОВА,**  
журналист.

## ГИЛДИРАК ҚИНГИР БЎЛСА...

"Бахт нима? Бахт – бу соғлиқ, бахт – бу ўзи севган касбда ишлаш, бахт – бу фарзандлар. Хўш, соғлиқни учга бўламиз – жисмоний соғлиқ, маънавий соғлиқ, руҳий соғлиқ. Жисмоний соғлиқни 10 балл деб оладиган бўлсак, агар сиз тишингизни доволатмаган ёки доимий ошқозон органидан азият чекаётган бўлсангиз, демак, сизнинг жисмоний соғлигингизга 10 эмас 6 баҳо қўйилади. Маънавий соғлигингиз қандай? Масалан, сиз бир ҳафтада битта китоб ўқидингизми, йўқ, демак сизнинг маънавий соғлигингиз 7 баҳо, отангиз ёки онангизни яхши кўрасиз, лекин онангиз ёки укангиздан кўп хафа бўласиз, хафа қиласиз, демак сизнинг руҳий соғлигингиз 8. Хуллас, бахт юлдузининг беш бурчагини бир-бирига қизиб етказасиз. Аммо чизиклар турли сонларда кесишади. Ҳаммаси юлдузнинг энг қиррали томонига қўйилганидан 10 баҳога эмас, балки пастроғида кесишади. Шунда гилдиракнинг уланган жойлари бир текис чиқмайди. Ана энди айтинг-чи, қинғирқийиш гилдирак йўлда бир текис юра оладими? Демак, ҳар бирингиз ўзингиздаги камчиликларни тўлдиришингиз яъни бахтни 10га етказишингиз керак. Ана ўшанда тўлақонли бахтли ҳисобланасиз. Бу эса ўз устингизда мунтазам ишлашни тақозо қилади". Бу Бухоро вилоятидаги "Оила" илмий-амалий марказида ташкил қилинган "Бўлғуси келин-куёвлар инновацион мактаби"да олиб борилаётган ўқув машғулотида лавҳа.

чи тренерлар, психология ва тиббиёт соҳаси мутахассислари, диншунослар машғулотлар олиб боришади.

## ҲАР БИР ОИЛАГА ПСИХОЛОГ ЗАРУР

– Бўлғуси келин-куёвлар учун олиб бораётган машғулотларимиз баҳс мунозарага бой бўлади, – дейди психолог Кундузой Соҳибова. – Ёшларнинг кўзига қараб уларнинг саволлари жуда кўплигини англаш мумкин. Ҳатто кўпчилиги кейинчалик ҳам биз билан боғланиб туриш учун телефон рақамларимизни олишади. Бу эса хориждагидек психологларнинг оилаларга кириб бораётганидан дарак. Яъни келажакда ҳар бир оила ўз психологи билан ҳамкорлик қилиши, шубҳасиз.

Сабоқ ўтилаётган хоналарда 15 га яқин жуфтлик ёнма-ён ўтириб муҳокамаларга кизгин тайёргарлик кўришмоқда. Уларнинг ҳар бир саволга ҳамжиҳатликда жавоб

Шу пайтгача оила ҳақида яхшигина тасаввурга эгаман, деб ҳисоблардим. Аммо бу дарс жараёнида англаб етдимки, биз ҳали оила қуришга унчалик тайёр эмас эканмиз, – дейди Хурсанд Камолова билан турмуш қуриш оstonасида турган Мардбек Наримонов. – Яна бир гапни айтиб ўтиш керак. Кўпчилик ёшлар севишиб турмуш қуришгаётган бўлишса, баъзилари совчилар орқали танишишди. Айна мана шундай машғулотлар ёшларни бир-бирини яқинроқ танишишга, кашф қилишига туртки бўлади. Мана шу уч кунлик мактаб сабоғи бир умрга бизга йўлчи юлдуз бўлишига ишонаман. Айниқса, психологлар билан олиб борилган машғулотлар катта ҳаёт мактаби учун жуда

уч кунлик ўқув машғулотларига боришини тавсия қиламиз, – дейди Бухоро шаҳар 1-сон ФХДЁ бўлими мутахассиси Зубайда Курбонова. – Дастлаб кўпчилиги, айниқса, йигитлар: "мактабга боришимиз шартми, мен ўзим кўп нарса ни биламан", дея ўзини баланд тутишади, машғулотлардан сўнг эса "эгилиб"

қолишади. Яъни, оила қуриш оддий воқелик эмаслигини, келгусида қанчадан-қанча турли вазиятлар келиб чиқишини ва шу вазиятлар ечимини топишда, албатта, мана шундай мактаб сабоқлари зарурлигини таъкидлашади. Ёшларни бунга кўпроқ жалб этиш учун фақатгина оғзаки тавсия етарли эмас, балки турмуш қуриш отсонасидаги йигит-қизларга мактаб фаолиятдан олинган видеороликларни намойиш этиш зарур, деб ўйлайман.

– Инновацион мактаблар фаолиятининг мониторинги бўлғуси келин-куёвларнинг фарзанд тарбиясига масъулияти, оилавий можароларни олдини олиш, эр-хотин муносабатлари психологияси, оилада эр масъулияти каби билимларга эга бўлиш масалаларига қизиқиши катта эканини кўрсатмоқда, – дейди "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази вилоят бошқармаси бошлиғи Абира Ҳусейнова. – Ушбу мактабларда 1500 та жуфтлик таҳсил олишди ва сертификатлар билан тақдирланди. Битирувчилар орасида оилавий ажрашишлар, келишмовчиликлар, психологик номутаносибликлар кузатилмади.

Дарвоқе, ёшлар фақат бу ерда олган билимлари билан



ҳозирлаётганини кузатиб бир нарсага амин бўлиш мумкин. Яъни ёшлар келгусида учраши мумкин бўлган муаммоларни биргаликда, бамаслаҳат ечим топишга ўзларида иммунитет ҳосил қилишмоқда.

– Мен институтни тугатганман, айна пайтда магистрман.

зарур, яъни ҳар бир оиланинг ўз психологи бўлиши шартлиги бугун замон талаби.

## ЙЎЛЛАНМА ЭЛЕКТРОН ВА КИТОБ ШАКЛИДА

– Ёшлар никоҳдан ўтиш учун ариза ташлаган кунларида бошлаб, мана шу мактабда

ҳозирлаётганини кузатиб бир нарсага амин бўлиш мумкин. Яъни ёшлар келгусида учраши мумкин бўлган муаммоларни биргаликда, бамаслаҳат ечим топишга ўзларида иммунитет ҳосил қилишмоқда. – Мен институтни тугатганман, айна пайтда магистрман.

**Oila va jamiyat**  
Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газета

Обуна индекси – 176

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси,  
"Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш" ассоциацияси  
(Болалар жамғармаси) ва  
"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди


Бош муҳаррир в.б.: Акбар ҚАРШИЕВ

**МАНЗИЛИМИЗ:**  
Тошкент – 100000.  
Амир Темур кўчаси  
1-тор кўча, 2-уй.  
Қабулхона: (факс) 233-28-20,  
Котибият: 233-04-35, 234-76-08  
E-mail: oilavajamiyat@mail.ru  
Web-site: oila-va-jamiyat.uz

Газета 2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169 рақами билан рўйхатга олинган. Буюртма Г – 1036. Формати А-3, ҳажми 3 табоқ. Адади – 2096. Баҳоиси келишилган нархда.

Босишга топшириш вақти – 15:00 Топширилди – 15:00  
Навбатчи: Ч. Дўстматова  
Мусаҳҳиҳ: С. Сайдалимов  
Саҳифаловчи: А. Маликов

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.



1 2 3 4 5